

# ТОШКЕНТ ОҚШОМИ

Газета 1966 йил  
1 июлдан  
чиқа бошлаган

ШАҲАР ИЖТИМОЙ - СИЁСИЙ ГАЗЕТАСИ

№ 233 (10.538)

2005 ЙИЛ 30 НОЯБРЬ

**ПОЙТАХТНИНГ**  
*Бир кунни*  
Янгиликлар, воқеалар

**Киска**

● **КЕЧА** 232-мактабда Чилонзор туман хотин-қизлар кўмитаси, "Маънавият ва маърифат" марказининг туман бўлими ҳамкорликларида ўқувчилар ва ўқитувчилар иш-тироқида уюштирилган тадбир "Конституция — асосий Қомусимиз" деб номланди.

● **КЕЧА** "Темирўлтаъмир" очик акциядорлик жамиятида "Бахтимиз пойдевори" мавзuida ўтказилган тадбир "Маънавият ва маърифат" марказининг Сергели туман бўлими томонидан уюштирилди.

● **КЕЧА** Халқлар дўстлиги саройида Тошкент шаҳар ҳокимлиги, Халқаро "Наврўз" хайрия жамғармаси ҳамда "Илҳом булоғи" ногирон ижодкорлар уюшмаси ҳамкорликларида 3 декабрь — Халқаро ногиронларни химоя қилиш куну муносабати билан уюштирилган хайрия концерти "Эъзоз" деб номланди.

● **КЕЧА** Мудофаага қўмақлашувчи "Ватанпарвар" ташкилотининг Сергели туман бўлимида ўтказилган давра суҳбати "Терроризм: дунё тинчлигига таҳдид" деб номланди.

● **АЙНИ** кунларда шаҳримиз бозорларида янги йил олдида ташкил этилган виллоятлардан келтирилган қишлоқ ҳўжалик маҳсулотлари ярмаркаси давом этмоқда.

**Тошкент шаҳар ҳокимлиги Матбуот хизмати ва ўз мухбирларимиз хабарларидан.**



Шаҳримиздаги Болалар ижодиёти уйи қисқа муддат ичида фарзандларимизнинг севимли масканига айланди. Бу марказда 10 хил йўналишдаги 20 та клуб, студия ва тўғараклар мавжуд. Жорий йилнинг 15 сентябрендан ўз фаолиятини бошлаган ижодиёт уйи доимо болалар билан гавжум.

**СУРАТЛАРДА:** Болалар ижодиёти уйи фаолиятдан лавҳалар.

Тоҳир Ниғматуллин олган суратлар

## ЎҚИТУВЧИЛАРГА ЮКСАК ЭЪТИБОР

Мамлакатимиз мустақиллигининг ўтган йиллари бошқа соҳалар қатори халқ таълими тизимини ривожлантириш борасида ҳам улкан ўзгаришларга бой бўлди. Шу йиллар давомида таълим соҳаси давлат сиёсатининг устувор йўналишига айланиб, бу борада тўб ислохотлар амалга оширилмоқда. Айниқса Кадрлар тайёрлаш Миллий дастури ҳамда мамлакатимизда иккинчи йил амалга оширила бошланган 2004-2009 йилларда Мактаб таълимини ривожлантириш давлат умуммиллий дастурининг таълим тизимини мазмун ва сифат жиҳатидан такомиллаштириш борасидаги аҳамияти катта бўлмоқда.

Президентимизнинг "Халқ таълими ходимлари меҳнатига ҳақ тўлаш тизимини такомиллаштириш ва уни моддий рағбатлантиришни кўчатириш чора-тадбирлари тўғрисида"ги қарори ҳам ушбу соҳадаги ислохотларнинг навбатдаги босқичи бўлди. Юртимиз жаҳонга юз тутаётган айни пайтда, билимли, интилувчан, ҳар томонлама баркамол ёшлар ёрқин келажагимизнинг асл яратувчилари эканлиги аниқ намоён бўлмоқда. Шу боисдан ҳам бугун мамлакатимиз раънақини юксалтириш халқ таълими ходимлари зиммасига ҳар қанонгидан ҳам масъулятироқ вазифаларни қўймоқда.

Мазкур қарорда жонқуяр, фидойи, заҳматкаш ўқитувчиларни муносиб қадрлаш, меҳнатларини юксак тарзда баҳолаш назарда тутилган. Табиийки, ушбу қарор соҳа мутахассислари томонидан катта қониқиш

ҳисси билан қутиб олинди. Ушбу заҳматли соҳа ходимлари томонидан тахририятимизга йўланаётган мактубларда ҳам бу ўз аксини топмоқда.

**Дано ЗОКИРОВА, Учтепа туманидаги 123-мактаб директори:**

— Биз педагоглар ўқитувчиларга бўлган эътибор давлатимизнинг доимо диққат марказида эканлиги, касбиимизнинг аҳамияти ва обуру-эътиборини ошириш, меҳнатимизни муттасил рағбатлантириш борасида изчил, аниқ максатда йўналтирилган самарали ишлар олиб борилаётганидан беҳад мамнунимиз. Мазкур қарорни эса, таълим соҳасидаги ривожланиш босқичларининг янги поғонаси, деяр таърифласак янглишимаймиз. Ушбу ҳўжжати ўқиб шу нар сага амин бўлдимики, энди ўқитувчилар орасида

ҳақиқий рақобат бошланади. Ижодий рақобат бор жойда эса янгиликка интилиш, изланиш кўзга ташланаверади. Демак, ўқув муассасаларидаги таълим-тарбия жараёналарининг сифати ва мазмуни янада ошади.

**Мамъура ИРИСАЛИЕВА, Мирзо Улугбек сановат касб-ҳунар коллежи ўқитувчиси:**

— Ўқитувчи ва мураббийлик заҳматли ҳамда шарафли касб. Бинобарин меҳнатнинг қадрланса албатта ўз устинда янада кўпроқ ишлайсан, ўқиб-ўрганасан. Юртбошимизнинг ушбу қарори матбуотда эълон қилинган, ўқитувчиларнинг шодлиги чексиз бўлди. Қарорга қўра, умумтаълим муассасаларининг алоҳида намуна курсатган ходимларини рағбатлантириш учун директор жамғармасининг тузилиши айниқса айни муддаодир.

## ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ОЛИЙ МАЖЛИСИ СЕНАТИ ТўРТИНЧИ ЯПИ МАЖЛИСИНИНГ ОЧИЛИШИ ТўГРИСИДА

Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Сенатининг тўртинчи япи мажлиси 2005 йил 2 декабрь кунини эрталаб соат 10.00 да Тошкент шаҳрида Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Сенатининг мажлислар залида очилди.

## ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ОЛИЙ МАЖЛИСИ СЕНАТИНИНГ АЪЗОЛАРИ ДИҚҚАТИГА

Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Сенатининг аъзолари 2005 йил 1 декабрь кунини соат 9.00 дан 18.00 га қадар Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Сенати биносининг фойеида рўйхатга олинади.

## ДЕҲЛИДА ДАВРА СУҲБАТИ

Деҳлида Шимолий ва Марказий Осиёдаги нефть ишлаб чиқарувчи ҳамда истеъмол қилувчи асосий мамлакатлар вазирилариининг давра суҳбати бўлиб ўтди.

Унда Ўзбекистон Республикаси Бош вазирининг ўринбосари Ў.Султонов раҳбарлигидаги делегация иштирок этди.

Деҳлида мазкур мавзуга бағишланган халқаро анжуман шу йилнинг ўзида иккинчи марта ўтказилди. Январь ойда бўлиб ўтган учрашувда Фарбий ва Жанубий Осиё минтақасидаги нефть маҳсулотларини экспорт қилувчилар ва истеъмолчилар қатнашган эди. Бу сарфар Ўзбекистон делегацияси билан бир қаторда Россия Федерацияси, Япония, Хитой, Корея Республикаси, Қозоғистон, Туркменистон, Озарбойжон ва Туркия вакиллари ўзаро ҳамкорлик истикболларини муҳокама қилишди.

Хиндистон нефть ва табиий газ вазири Мани Шанкар Айар анжуманни очар экан, энергия ресурслари борасидаги ҳамкорликни янги босқичга кўтариш унинг мамлакатга учун бениҳоя долзарб эканини таъкидлади.

Диққатга сазовор жиҳати шундаки, давра суҳбатида Ўзбекистон Республикасининг нефть ва газ тармоғидаги ҳамкорлик имкониятлари тўғрисидаги тақдирот тадбир иштирокчиларда алоҳида қизиқиш уйғотди. Тақдирот чоғида катнашчиларга мустақиллик йиллари давомида мамлакатимиз нефть ва газ тармоғида амалга оширилган кенг қўламли ислохотлар, барпо

этилган янги корхоналар, хорижлик сармоядорлар учун яратилган катта ва қулай имкониятлар ҳақида батафсил маълумот берилди.

Давра суҳбати якунида "Ўзбекнефтегаз" компанияси ва Хиндистон газ бошқаруви компанияси (GAIL) ўртасида музокаралар бўлиб ўтди. Улар якунига қўра, томонлар Тошкентда ўзаро ҳамкорлик тўғрисидаги Меморандум имзолашга келишиб олдилар.

Мамлакатимиз делегацияси раҳбарининг Хиндистон нефть ва табиий газ вазири Мани Шанкар Айар билан учрашуви чоғида ҳам соҳадаги ҳамкорлик масалалари мулоқотларининг асосий мавзуй бўлди. Мезбон бу тармоқдаги ҳамкорликнинг фаоллашуви ҳам Ўзбекистон Республикаси Президенти Ислол Каримовнинг шу йил апрель ойда Хиндистонга буюрган расмий ташрифи самаралари бевосита таъсир кўрсатаётганини эътироф этди.

Суҳбат чоғида Хиндистон нефть ва табиий газ вазири яқин вақт ичида ўзаро ҳамкорлик имкониятларини батафсил ўрганиш учун Ўзбекистонга катта таркибдаги ҳинд делегацияси боришини маълум қилди.

**Садриддин СУЯРОВ, "Жахон" АА мухбири. Деҳли.**

**XVI сағоси**  
аср  
Барча мамлакатлардан олинган сўнги хабарлар

**Мамлакатимизда**

● Кеча Олий Мажлис Қонунчилик палатасининг Қонунчилик ва суд-ҳуқуқ масалалари кўмитаси томонидан «Мамлакатимизда суд-ҳуқуқ ислохотларини хуқуқий жиҳатдан таъминлаш — давр талаби» мавзuida семинар ўтказилди.

● Кеча Тошкентда «Интерконтинентал» меҳмонхонасида Қураш халқаро ассоциациясининг VI конгресси бўлиб ўтди.

● Нукусда тадбиркорлик субъектлари учун семинар кенгаш ўтказилди. Унда Қорақалпоғистоннинг барча туманларидан 200 га яқин тадбиркорлар, фермерлар ва деҳқонлар, шунингдек, маҳаллий ҳокимият органлари вакиллари иштирок этди.

● Хитойнинг «Хуайвэй» компанияси мутахассислари билан ҳамкорликда «Ўзбек-телеком» акциядорлик компаниясининг «Намангантелеком» филиали ходимлари Наманган вилоятида телекоммуникация тизимини реконструкция қилиш ишларини амалга оширмоқдалар. Ҳозиргача 67 мингга яқин абонентга мўлжалланган 20 та рақамли электрон АТСлар ўрнатилди.

● Чирчиқ шаҳридаги «Олимпия» захиралари қоллежида Ўзбекистон қасаба уюшмалари Федерациялари кенгаши ташаббуси билан ташкил этилган аънаваний «Саломатлик» Республика спартакиадаи тантанали равишда очилди.

● Қашқадарё вилоят Давлат архиви Шаҳрисабз тумани бўлимининг янги биноси фойдаланишга топширилди.

**Жахонда**

● Канада парламенти депутатлар орасида амалдаги ҳукуматга ишонч йўқолгани сабабли Либерал партия етакчиси Пол Мартин раҳбарлигидаги ҳукуматни истеъфого чикарди.

● Озарбойжон Марказий сайлов комиссияси шу йил 6 ноябрь кунини мамлакат парламентига бўлиб ўтган сайлов натижалари тўғрисидаги протоколни тасдиқлаш учун республика Конституциявий судига топширди.

● Хитойнинг Хэй-луцицзянь вилоятидаги «Дуньфэн» шахтасида қучли портлаш содир бўлди. Фалокат натижасида айни пайтгача қурбонлар сони 134 нафардан ошган.

● Гондурасда юк берган йорик транспорт ҳалокати — тоғли йўлда ҳаракатланаётган юк машинасининг бурилиш жойида ағдарилиб жарликка қулаб тушиши натижасида 20 дан ортиқ киши ҳаётдан қўз юмди.

Конституция кўни олдида

Давлат фуқароларнинг Конституция ва қонунларда мустақамланган ҳуқуқлари ва эркинликларини таъминлайди.  
(Ўзбекистон Республикаси Конституциясининг 43-моддаси)

— Иқтисодий жиноятлар ҳақида сўз борар экан, яқин ўтмишдаги яъни шўро қонунчилигида бу ҳол қандай акс этгани ёдга тушади, — дейди В.Бурхонжўраев. — Муқояса асносида эса биз бугун амал қилаётган инсонпарвар қонунларимизнинг мазмун-моҳиятини янада чуқурроқ аниқлаймиз. Мустақил тузумда ҳимоя қилинадиган асосий субъект — давлат ҳисобланган, Шунинг учун ҳам давлатга зарар етказиш ўта оғир жиноят ҳисобланган ва бунга йўл қўйган шахслар шафқатсизлик билан жазоланган. Хусусан, ўта йирик миқдорда давлат мулкни ўғирлаган жиноятчи ўз даврида амалда бўлган қонунчиликка мувофиқ ўлим жазосига ҳукм қилинар эди.

Бу ҳам етмагандай, унинг мол-мулки мусодара этилган. Бундан кўзланган мақсад инсонни бутунлай синдириш — руҳан эзиш, уйдан, рўзгоридан айириш, фарзандларини тирикчилик манбаидан маҳрум этиш эди. Бундай шафқатсизлик оқибатида минг-минглаб мултоқо бегуноҳ кишилар азият чеккани сир эмас.

Бугунги кунда мустақил давлатимиз қонунлари жазолашнинг озодликдан маҳрум қилиш ҳолларини қисқартириш ҳисобига қонунчиликнинг адолат ва инсонийлик каби тамойиллари кучайишини ва амалда қўлланишини таъминламоқда. Жиноят қонунчилигининг эркинлаштирилиши унинг инсонпарварлик тамойилларига мувофиқлашиши учун замин яратди. Ижтимоий ҳафви катта бўлмаган жиноятлар тоифасининг кўпайиши қамоққа олиш билан боғлиқ бўлмаган ҳуқуқий институтлардан фойдаланиш имкониятини сезиларли даражада кенгайтди. Мол-мулкни мусодара қилишга оид жазонинг чиқариб ташлангани Конститу-

циямизда кафолатланган хусусий мулк дахлсизлигининг амалий ифодаси бўлди.

Иқтисодий соҳада жиноят содир этган шахсларга нисбатан иқтисодий таъсир чораларининг қўлланилаётгани қонунчилигимизда бу соҳадаги жиноятлар ва унинг учун жавоб-

## ҚОНУНЛАРДА ИНСОН ҲУҚУҚЛАРИНИНГ УСТУВОРЛИГИ

Мамлакатимизда суд-ҳуқуқ тизимини эркинлаштириш ва демократлаштириш борасида улкан ишлар амалга оширилмоқда. Президентимиз Ислоҳ Каримов ташаббус билан соҳада бошланган ислохлар Бош Қомиссиянинг асосий талабларидан бири — инсон ҳуқуқларининг устуворлигини таъминлашга қаратилган.

Мустақил суд ҳокимиятини шакллантириш, унинг ҳар бир инсон ва фуқаронинг ҳуқуқ ҳамда эркинликларини ишончли тарзда ҳимоя қилишга қаратилган чинакам мустақил давлат институтига айланиши борасида зарур чора-тадбирлар амалга оширилмоқда.

Жиноий жазоларнинг либераллаштирилиши, хусусан, иқтисодий жиноятларга оид қонунчиликдаги ўзгаришларнинг нечоғлик инсонпарварлиги ҳаёбда ўз исботини топмоқда.

Ўзбекистон Республикаси Олий суди судьяси Вохид БУРХОНЖЎРАЕВ билан ЎЗА мухбирининг суҳбати шу ҳақида бўлди.

гарлик тушунчасини замон талабига мослаштиришда муҳим аҳамият касб этмоқда.

— Иқтисодий жиноятлар либераллаштирилишининг ҳуқуқий асоси ҳақида сўзлаб берсангиз.

— 2001 йил 29 августда қабул қилинган «Жиноий жазоларнинг либераллаштирилиши муносабати билан Ўзбекистон Республикасининг Жиноят, Жиноят-процессуал кодекслари ҳамда Маъмурий жавобгарлик тўғрисидаги кодексига ўзгаришлар ва қўшимчалар киритиш ҳақида»ги қонун асосида жиноятларни таснифлаш мезонлари ўзгаририлди. Бу адолат ва инсонпарварлик тамойилларини кучайтиришга қаратилгани билан диққатга сазовордир. Зеро, ушбу қонун асосида қонунчилигимизда жавобгарликдан ва жазодан озод қилиш институтлари пайдо бўлиб, улар бугун фуқароларимиз манфаатига хизмат қилмоқда.

Мазкур қонунга кўра, иқтисодиётга оид жиноятлар туркумига кирув-

чи саккиз турдаги жиноятни содир этган шахсларга жиноят оқибатида етказилган моддий зарарнинг ўрни қопланса, озодликдан маҳрум қилиш тарикасидаги жиноий жазо қўлланилмайди. Ушбу қонун амалга киритилганидан буён етти минг нафардан зиёд шахсга озодликдан маҳрум қилиш билан боғлиқ бўлмаган жазо тайинланди. Айни пайтда, етказилган зарарни ўз вақтида ундириш йўли билан жиноят оқибатида жабр кўрганларнинг ҳуқуқлари таъминланди.

Жазоларни либераллаштириш тўғрисидаги қонун нормаларининг тўғри қўлланилиши инсон ҳуқуқ ва эркинликларига риоя этилиши билан бевосита боғлиқдир. Шу боис Олий Суд пленумининг бу борада «Жазоларни либераллаштириш тўғрисидаги қонунни иқтисодий соҳасидаги жиноятларга нисбатан қўллашнинг айрим масалалари ҳақида» қарори қабул қилиниб, қонунни қўллаш, жиноятларни таснифлашда судьялар учун муҳим қўлланма бўлиб хизмат қилмоқда.

— Бу жараённинг амалий жиҳатлари хусусида ҳам тўхталсангиз.

— Иқтисодий жиноятлар соҳасида жавобгарлик доирасининг аниқ белгилиниши ҳисобидан жазонинг тарбиявий аҳамияти ва унинг самарасини ошириш имкони юзага келди. Кўпгина фуқароларимизга содир этган жиноятни учун сўроқ ёки тергов ишлари бошланганининг ўзиёқ тегишли хулоса чиқариб олиш ва қонунни бошқа бузмаслик учун қиёфа қилади. Шу маънода, етказилган зарар ва жаримани тўлаган шахсларни озодликдан маҳрум этмаслик улarga берилган улкан имкониятидир.

Жазоларнинг либераллаштирилишига оид бундай ўзгаришлар замирида Конституциямизда белгилари берилган инсон манфаатлари, ҳуқуқлари ва эркинликларига оид ҳимоя ўз ифодасини топган.

ЎЗА мухбири НОРГУЛ АБДУРАИМОВА суҳбатлашди.

Иқтисодиёт

### ПЛАСТМАССА ҚУВУРЛАР

50 йиллик кафолат мўддага эга бўлган сифатли ва ўрнатилга кулай бўлган турли ҳажмдаги пластмасса қувурлар пойтахтимизда фаолият кўрсатаётган «SHARQ PLAST-SERVIS» масъулияти чекланган жамиятида ишлаб чиқарилмоқда.

Ушбу четдан келтирилган махсулотдан асло қолишмайдиган пластмасса қувурлар замонавий технологиялардан фойдаланиб маҳаллий хом ашёдан тайёрланмоқда. Махсулот турлари ва сифатининг ортишида эса юртимизда «Шўртангаз» кимё мажмуасининг ишга туширилиши, айниқса, катта аҳамият касб этди. Чунки тадбиркорларнинг махсулот тайёрлаш учун хом ашёга бўлган талабини қондиришда корхонанинг ҳиссаси катта.

Корхонада тайёрланаётган пластмасса қувурларнинг асосий бюортмачилари юртимиздаги газ ҳамда сув таъминотидаги жамоалари бўлиб, махсулот энгил ва арзонлиги, манзилга етказишда ва ўрнатишда нихоятда қулайлиги билан харидорларни жалб этмоқда.

— Бугунги кундаги асосий мақсадимиз ишлаб чиқараётган махсулотларимиз билан ички бозорда ўз ўрнимизга эга бўлишдир, — дейди корхона раҳбари Сайдулла Ибрагимов. — Бунинг учун эса биринчи навбатда пластмасса қувурларнинг талаблар даражасидаги сифатли турларини тайёрлашга ҳаракат қилаймиз. Албатта, ички бозорда муносиб ўрин эгаллашмиз иқтисодиётимиз равнақида муҳим ҳиссамиз бўлади. Ривожланиш учун эса юртимизда фаол тадбиркорлик учун яратилган имтиёз ва кафолатлардан самарали фойдаланамиз.

### БИНОЛАР ЧИРОЙНИ ОШИРАДИ

«SV CO LD» масъулияти чекланган жамиятида маҳаллий хом ашёдан биноларнинг томларини ёпиш учун черепицалар ишлаб чиқариш йўлга қўйилган бўлиб, шунинг баробарида тадбиркорлар мана шундай махсулотларни тайёрлаш учун дастгоҳ ҳам яратдилар.

Ушбу дастгоҳ жойларда фаолият кўрсатаётган тадбиркорларга қўл келиб, сифатли қурилиш ашёсини бюортмага кўра тайёрлаб беришда муҳим аҳамият касб этди. Шунингдек, кум ва цемент арашмасидан тайёрланган бундай том ёпиш ашёси, яъни черепицалар мустаҳкамлиги, совуқ ва иссиққа бирдай чидамлилиги, ишлатишга нихоятда қулайлиги, кафолат мўддати билан ажралиб туради.

Корхонада йилга 60 мингтадан зиёд черепицалар бюортмалар асосида харидорларга етказиб берилмоқда. Тадбиркорлар ўз махсулотлари билан бунёдкорлик ишларига ҳисса қўшишмоқда, биналар чиройини таъминлашда қурувчиларга ёрдам бермоқда. Шунини алоҳида таъкидлаш лозимки, вилоятлардаги бюортмачиларга қулайлик яратиш мақсадида Хоразми, Самарқанд, Марғилон ва Қарши шаҳарларида корхона филиаллари ҳам фаолият кўрсатмоқда.

Шарофат БАХРОМОВА

3 декабрь - Халқаро ноғиротлар кўни

## МЕҲР-ОҚИБАТ ВА САМИМИЯТ МАСКАНИ

Мамлакатимизда ёш авлоднинг таълим олиши, ўз истеъодини намойён этиши учун барча шароит мавжуд. Пойтахтимиздаги «Sanvikt» Ноғирон болалар бадийий ижодиёт маркази тиббий кўмакка муҳтож болалар, меҳрибонлик уйлари тарбияланувчилари, кам таъминланган, серфарзанд, эҳтиёжманд оила фарзандларининг сеvimли масканидир. Марказда тасвирий санъат, ҳайкалтарошлик, нақшошлик, гиламдўзлик, лок миниатюраси, зардўзлик каби тўғарақлар фаолият кўрсатмоқда.

1999 йилда ташкил этилган мазкур марказга дастлабки пайтда ўн беш нафар ўқувчи қатнашди. Ҳозир эса улар сони юздан ошди. Республика миқёсидаги турли санъат фестиваллари, кўрик-танловлар, бадийий кўргазмаларда «Sanvikt» ўқувчилари фаол иштирок этишмоқдалар. Айниқса, ҳар йилки Мустақиллик байрами арафасида Меҳнат ва аҳолини ижтимоий муҳофаза қилиш вазирлиги ташаб-

буси билан ўтказилувчи «Мафункор ранглар дунёси» кўрик-танловиде уларнинг мунтазам муваффақият қозониб келаётгани эътиборга лойиқдир.

Ўқувчиларнинг ютуқларидан ҳаммадан ҳам кўра марказ раҳбари Гулсара Ражабова мамнун. Ахир болаларнинг нафақат республика, балки халқаро миқёсдаги кўргазмаларда қўлга киритаётган ютуқлари ҳам салмоқли-да. Бундан таниқли мусаввирлар-

нинг ҳам муносиб ҳиссаси бор.

2001 йилда марказ ўқувчилари Токиода ўтказилган халқаро кўрик-танловда совриндор бўлган эдилар. 2002 йилда эса Афинада ўтган «Грещя» болалар нигоҳида» халқаро кўргазмасида мазкур марказ ўқувчилари Бахт Кашенов ҳамда Малика Кенжабоева олтин медални қўлга киритди. 2004 йилда кунчиқар юртининг Канагава шаҳрида ўтказилган 12-Халқаро бо-

лалар ижодиёти кўргазмасида ушбу марказдан юборилган расмлар энг яхши ижодий иш сифатида эътироф этилди. Лобар Маматқулова «Меҳмонда» мавзусидаги иши билан - иккинчи ўринга, Турсунбой Мирзамирсаидов «Футболчилар» сурати учун учинчи ўринга муносиб топилди. Марказ ўқувчилари чизган расмлар Туркия, Словакия, Миср, Чехияда ўтган болалар расмлари халқаро кўргазмаларида ҳам алоҳида эътирофга сазовор бўлган.

Эҳтимол, марказ ўқувчиларининг барчаси ҳам келгусида тасвирий санъат йўлини танламас. Аммо, энг асосийси, бу ерда ҳар бир ўғил-қиз аввало эзгулик, меҳр-оқибат, самимиият, инсонийлик каби туйғуларга ошно бўлаётир.

Назокат УСМОНОВА, ЎЗА мухбири

*Ўзбекистон — Россия: ҳамкорлик кирралари*

## «ТОШКЕНТ-ЛАДА»: ИМКОНИАТЛАР ЯНАДА ОРТАДИ

Мустақиллигимизнинг илк йиллариданоқ Россия давлати билан иқтисодий ҳамкорлик алоқалари кенгайиб борди. Пойтахтимизда фаолият кўрсатаётган «Тошкент-Лада» Ўзбекистон—Россия қўшма корхонаси ҳам ана шундай ҳамкорлик асосида ташкил этилган бўлиб, 1997 йилдан бунён муваффақиятли фаолият юритмоқда.

Россиянинг «АвтоВаз» акциядорлик жамияти билан ҳамкорликда ташкил топган ушбу қўшма корхонада «УзДЗУ», «ВАЗ», «УАЗ» маркали автомобиллар савдоси ҳамда замонавий технологиялар асосида барча турдаги янги автомобилларга сервис хизмати кўрсатиш йўлга қўйилган. Автомобилсозлик sanoati ривожланиб бораётган бугунги кунда давр билан қадам бақадам юришга интилаётган жамоа ахли харидор талаб ва эҳтиёжи асосида иш юритиб буюртмачи мижозга сифатли, кафолатли хизмат кўрсатишга интилмоқда.

—Қўшма корхонамизда 30 хил турдаги иш бажарилади,— дейди корхона директори Мурат Зоидов.—Энгил автомобилларни ҳамда зарур эҳтиёт қисмларни корхонамиз қошидаги фирма дўконида ҳамда Сергелидаги эҳтиёт қисмлар савдо шохобчаси орқали харидорларга етказиб берамиз. Бугунги бозор иқтисодиёти талаблари асосида маркетинг ишларини яхши йўлга қўйганмиз. Шунинг баробарида меҳнат қилаётган ишчи-хизматчиларимизнинг малакаларини ҳам оширишга алоҳида эътибор қаратамиз. Автомобилсозлик sanoati ривожланаётган, уларнинг хилма-хил турлари яратилаётган шaroитда хизмат кўрсатиш сифатини

ошириш учун мутахассисларимиз бир неча бор «УзДЗУ авто» қўшма корхонасида, Ульяновск автомобиль заводида малака оширишди. Шунингдек, корхонамиз қошида ташкил этилган ўқув синфи фаолияти ҳам яхши йўлга қўйилган.

150 нафардан зиёд ишчи-хизматчилар меҳнат қилаётган қўшма корхона ахли 2004 йилни 37 миллион сўм соф фойда билан якунлаган бўлса, жорий йилни ҳам ана шундай муваффақият билан якунлашга интилиш бор. Ишчилар махсус кийим-бош билан таъминлаб борилади. Нисбатан оғир шaroитларда фаолият кўрсатаётган ишчиларга қатор қулайлик ва имтиёзлар яратилган.

—Албатта, хизмат кўрсатиш сифатини ошириш, буюртмачи талабини кўнгилдагидай бажариш учун етарли эҳтиёт қисмлар кераклиги ўз-ўзидан аён,—дейди корхона директори.—Айтиб ўтиш керак, бу борада бизда айрим муаммолар ҳам бўлиб туради, негаки контрабанда йўли билан олиб келинаётган ана шундай эҳтиёт қисмлар нисбатан арзонроқ-да. Яна шу нарсани алоҳида таъкидлаш ўринлики, Президентимизнинг Россияга ташрифи ва ушбу давлат билан ҳамкорликнинг янги



СУРАТЛАРДА: қўшма корхона ишчи-хизматчиларининг меҳнат фаолиятини даволати. Ҳақимжон Солиҳов олган суратлар

**Ўзбекистон тарихи** Давлат музейи экспонатлари ўқув машғулотларини олиб боришда муҳим кўргазмаларига восита бўлиб хизмат қилмоқда. «Ўзбекмузей» республика жамғармасининг тузилиши билан бундай таълимий жараён кенг йўлга қўйилмоқда.

*Маънавият*

### МУЗЕЙДА ТАРИХ ДАРСЛАРИ

Ўзбекистон Маданият ва спорт ишлари вазирлиги ҳузурда ташкил топган мазкур жамғарма томонидан ишлаб чиқарилаётган дастурлар доирасида уюштирилаётган тарих фани бўйича ўқув соатлари ҳам йўлга қўйилди.

Тошкент шаҳар халқ таълими педагогик ходимларини қайта тайёрлаш ва малакасини ошириш институти бундай ҳамкорлик бўйича музей билан шартнома тузди.

Узаро келишувга мувофиқ музей залларида мактаб ўқувчилари учун экскурсиялар ҳам ташкил этилади.

Акбар Йўлдошев

*Катик ва ҳиссий бизнес*

## «ТЕЗИНТОМ»НИНГ ЯНГИ ЛОЙИХАСИ

Мамлакатимизда «Тезинтом» компанияси тўғрисида эшитмаган киши бўлмаса керак. Зеро, ушбу компаниянинг истеъмолчиларининг барча талабларига жавоб берувчи, халқроқ андозалар даражасидаги маҳсулотларига кўп йиллардан бунён талаб каттадир.

Мазкур Ўзбекистон-Германия ҳамкорлигидаги қўшма корхонанинг мутахассислари металл черепицалар, осма шифтлар учун манзарали панеллар, қўйилган бадиий маҳсулотлар тайёрлашда, полимер қопламаларни ётқиришни амалга оширишди. Яқинда эса бу ерда яна бир истиқболли лойиҳа ҳаётга татбиқ этилди: Германия технологияси бўйича ювувчи воситаларни ишлаб чиқариш бўйича цех фаолияти йўлга қўйилди.

—Суяқ ювиш воситалари чиқаришни бошлашдан олдин биз бозор талаб-эҳтиёжларини синчиқлаб ўргандик,— дейди «Тезинтом» қўшма корхонасининг бош директори Элёр Фуломов.—Маълум бўлишича, истеъмолчилар сифат ва нархнинг муайян балансига эга бўлган маҳсулотларни харид қилишни афзал кўришар экан. Биз ҳам мана шу тамойилга амал қилишга қарор қилдик. Майиш кимё соҳасида таниқли «Henkel» немис фирмасининг ўзига хос ишланмалари асосида тайёрланган шампунлар, душ учун геллар, майиш кимё воситалари тез орада дўконлар пештахталаридан ўрин олади. Шунини алоҳида таъкидлашни истардимки, ҳозирда барча йўналишларда янги турмуш сифатини шакллантириш жараёни кетмоқда ва бунга тобора кўпроқ аҳоли қатламлари кириб келмоқда. Шу сабабдан янги линиянинг ишга туширилиши, бу — нуфузини оширишга оид масала ёки хориж маҳсулотининг ўрнини босиш муаммосини ҳал этиш эмас, балки ҳаётий зарур эҳтиёждир.

Ҳамшаҳарларимиз «Тезинтом» қўшма корхонасининг Meer Welle савдо белгиси остидаги янги маҳсулоти — олти турдаги ювиш воситалари сифатини биринчи бўлиб баҳолаш имкониятига эгалар. Ушбу маҳсулотларни ишлаб чиқаришнинг умумий ҳажми бир

йилда 720 минг тоннани ташкил этади. Тошкент вилоятида улгуржи дўконини очиб режалаштирилмоқда. Ҳозирча эса қўшма корхона вакиллари мижозлар билан узок муддатли муносабатларнинг асосини ишлаб чиқмоқдалар.

Тадбиркорлик соҳасида тўпланган бой тажриба «Тезинтом» қўшма корхонасида шерикларни тўғри танлаш ва уларни ҳамкорликдаги бизнесга жалб этишга имкон яратмоқда. Чунки, янги цех учун асбоб-ускуналарни юртимиздаги «Вольфсон шарк Интерпрайзес» фирмаси тайёрлаб берди. Ишлаб чиқариш технологияларини тайёрлашда «Эдем» гўзаллик маркази мутахассисларининг тавсиялари жуда кўл келди.

—Бизнингча, истеъмолчиларда сочларни мустаҳкамловчи хусусиятга эга бўлган махсус шампунлар катта қизиқиш уйғотади,— дея фикрлари билан ўртоқлашди «Эдем» гўзаллик маркази директори Гулнора Зоҳидова.—Уйлайманки, кўзини ачиштирмайдиган ва болаларнинг ингичка сочига салбий таъсир кўрсатмайдиган «Русалка» болалар шампунига ҳам талаб катта бўлади.

Янги ишлаб чиқариш участкасида келтирилаётган хом ашёни текиришдан бошлаб тайёр маҳсулотнинг меъёрий-техник ҳужжатларга мослиги юзасидан физик-кимёвий ва микробиологик кўрсаткичларини тадқиқ қилишга эга бўлган барча босқичларда сифатни назорат қилиш бош тамойил ҳисобланади.

Амалга оширилган лойиҳанинг нафақат ички истеъмол бозорини сифатли, нархи ҳам унчалик қиммат бўлмаган, хорижникининг ўрнини босувчи маҳсулот билан тўлдириш, балки аҳолининг иш билан бандлиги масаласини ҳал этишда ҳам ижобий натижа бериши шубҳасиз. «Тезинтом» қўшма корхонасининг ушбу дастури учун меҳнат ва аҳолини ижтимоий му-

воқфлари учун имзоланган шартномалар бизни ҳам мамнун этди. Бу корхонамиз ривожланиш ҳам муҳим аҳамият касб этишидан умидвормиз. Ана шунда хизматлар турини янада кенгайтириш, қўшимча ишчи ўринларини очишга муваффақ бўламиз.

СУРАТЛАРДА: қўшма корхона ишчи-хизматчиларининг меҳнат фаолиятини даволати. Ҳақимжон Солиҳов олган суратлар

*Маълум*

## АДАБИЁТЛАРНИНГ ЭЛЕКТРОН КАТАЛОГИ

Тошкент Ахборот технологиялари университети Марказий Осмё йўналишларида малакали мутахассис кадрлар тайёрлаб берувчи йирик олий ўқув юрти ҳисобланади. Шу сабабли ҳам университет бу соҳадаги кадрларни ўқитиш бўйича бош таълимий муассаса деб белгиланди.

Бугунги кунда унинг ўқув-моҳдий-техник негизи энг замонавий компьютер тизими билан бойитилди.

Компьютер техникаси, офис ускуналари, лаборатория-тажриба қурилмаларига эга бўлинди. Айни вақтда қатор чет эл фирмаларининг тажриба синфлари очилди.

Компьютер тизимларининг университет корпоратив тармоғига бирлаштирилгани ҳам айтиш мумкин бўлди. Шунингдек, кутубхонада даврий нашрлар ва мутахассисликлар бўйича янги адабиётларнинг электрон каталоги тузилганини ҳам алоҳида кўрсатиб ўтиш жоиздир.

## ИХТИСОСЛАШТИРИЛГАН КЕНГАШЛАР

Бугунги кунда Тошкент тиббиёт академиясида жамоатчилик асосида бир неча кенгашлар фаолият кўрсатмоқда. Ихтисослаштирилган кенгашлар эса илмий ишлар самардорлигини таъминлашда муҳим ўрин тутмоқда.

Гигиена мутахассислиги бўйича амалга оширилаётган изланишлар ҳам кенг йўлга қўйилди. Аспирант ва докторантларнинг илмий ишларининг режа асосида бажарилишига ҳам эришилмоқда.

Тадқиқотлар натижаларини амалиётнинг кўрсатишича, бизнес турғунликини кўтармайд, Рақобат курашининг мураккаб шaroитларида ишнинг юриши учун тадбиркорлик хислатлари, янги гоғларни доимий равишда излаш, албатта, уларни оқилона тарзда ҳаётга татбиқ этиш жоиздир. Муваффақият «формуласи»нинг барча юқоридаги жиҳатларини «Тезинтом» қўшма корхонасига ҳам тегишли десак адашмаймиз. Бизнинг ҳамкорлар — «Cognis-Henkel» шўъба корхонаси вакилларининг қуйидаги фикрлари ҳам тасдиқлайди: «Хар доим юқори технологиялар ва сифатга асосий эътибор қаратган ушбу компания, шубҳасиз харидорларга ҳақиқий немис сифатини тақлиф қилиши мумкин».

Бироқ муваффақият йўлида интилишдан тўхташни бу ерда мамлакатимизда тадбиркорлик ривожини йўлида кўплаб чора-тадбирлар қўлланилаётган бир пайтда мавжуд имкониятларни унуттиш дея ҳисоблайдилар. Шунини тушунган ҳолда «Тезинтом» қўшма корхонасида янги режалар тузилмоқда, эҳтиётжалеб маҳсулот чиқаришни ташкил этиш мақсадида тез-тез маркетинг тадқиқотларини ўтказиладилар. Бу ерда яна бир янги лойиҳа: зангашга қарши бўвчи моддаларни ишлаб чиқаришга ҳам оз фурсат қолди. Айтиш жоизки, бу лойиҳа Давлат инвестиция дастури доирасида ишлаб чиқилмоқда. Ушбу иш натижасида эса мамлакатимиз истеъмол бозори яна бир янги сифатли маҳсулот билан бойийди.

Дилмурод ИСМОИЛОВ

## ЮБИЛЕЙГА БАҒИШЛАНГАН АНЖУМАН


Жаҳонга машҳур бўлган Хоразм Маъмур академияси ўзининг 1000 йиллигига катта таъйёрлик кўрмоқда. Тошкент Давлат юридик институтида ўтказилган илмий конференция ҳам шу санага бағишланди.

«Улуғ олим Абу Райҳон Беруний ва Маъмур академияси» номли мавзу доирасида таъйёрланган маърузалар тингловчиларда қизиқиш уйғотди. Ушбу илмий чиқишларда академия фаолиятини кенг йўлга қўйишда буюқ олимнинг қўшган ҳиссасига ҳам тўхталиб ўтилди.

Шу юбилей олдидан олий ўқув юрти профессор-ўқитувчиларнинг таъйёрлиги масаласи ҳақида ҳам сўз юритилди.

Акбар АЛИЕВ

Сихат-саломатлик йили тиббиёт ходимлари учун яна ҳам масъулиятли ўтмоқда. Халқимиз саломатлигини сақлаш, беморлар дардига малҳам бўлишдек шарофли вазифани адо этиб, туну кун беморлар қошида парвона бўлаётган ширинсўз, кўли энгил шифокору ҳамшираларни ҳамма шифоналарда уратиб олиш мумкин. Уларнинг кўлида шифо топган беморларнинг дилсўзларини эшитганда, мана шундай ўз касбининг етук билимдони бўлган, тажрибали шифокорларимиз борлигидан фахрланамиз албатта.



## КЎЗИНГИЗГА НУР УЛАШИШАДИ

Шахримиздаги Республика кўз касалликлари клиник шифонасида ҳам кўли энгил, тажрибали шифокорлар жуда кўп. Хозирги кунда бу шифонада неча минглаб беморлар шифо топиб, шифокорларга хеч қандай раҳмату олқишларини айтиб келишмоқда.

— Мен Самарқанд вилоятининг Иштихон туманидан ушбу шифонага таърифимни эшитиб, ўғлим Маъружонни олиб келдим, — дейди Элдор Эрмонов. — Ўғлимнинг кўзида нуқсон бор эди. Бу ерга келгач шифокорлар пухта текшириб, касаллигини беш кун давомида даволашди. Хозир ўғлимнинг кўзи жуда яхши кўрапти. Уни кўли энгил шифокор Лазица Шоисломова ўта куюнчақлик ва гамжурлик билан даволади. Биз бу тажрибали шифокордан бир умр миннатдоримиз.

Бу ерда шу каби шифокорлар ҳақидаги илик фикрларни кўпайта эшитиш мумкин. Дарҳақиқат мазкур шифонага ташириб буюрган киши тартиб-интизом, озодагарчилик, беморларга нисбатан гамжурликнинг гувоҳи бўлиши мумкин.

— Шифонамизда етти билим мавжуд бўлиб, улар — консултация поликлиника, лазер бўлими, болалар бўлими, травматология ва умумий соматика, глаукома ва катаракта бўлими, офтальмо-пластик жаррохлик бўлимиладир, — дейди Республика кўз касалликлари клиник шифонасининг бош шифокори Клара Валиева. — Булардан ташқари клиник биохимия лабораторияси, физиотерапия, рентгенология, стерилизация бўлими ҳамда дорихона

мавжуд. Шифона 112 ўринга мўлжалланган бўлиб, 10 та ўрин кундузги даволанувчиларга ажратилган. Бу ерда кўздаги барча касал-

саломатлигини асраш ва турли хил кўз хасталикларининг олдини олишдан иборат.

Ҳақиқатан ҳам шифонада беморларга бўлган эътибор, хушмуомалалик ва барча шарт-шароитлардан, айниқса Умида Алимова, Гулжамила Комилова, Лазиза Шоисломова, Барно Маҳмадова, Омон Тошмухамедов, Раҳимжон Усмонов сингари олий тоифали шифокорлардан, шунингдек Умида Қодирова, Асал Эгамбердиева, Венера Ибрагимова, Гулнора Холматова сингари ширинсўз ва чаққон ҳамширалардан кўпчилик беморлар миннатдор.

Шуни ҳам таъкидлаш керакки, бу ерда кам таъминланган оилалар вакиллари, уруш қатнашчилари, ногирон беморлар бепул даволаниш имконига эгала.

Шифонада қандайдорихона эса беморларни барча зарур дори-дармонлар билан таъминлайди. «Тан сихатлик — туман бойлик» дейди халқимиз. Мана шу бекиёб бойлигимиз бўлган саломатлигимизни тиклашга, шу билан бирга 3340 та жаррохлик операциялари бажарилган. Бу ерга нафақат ширинсўз, балки бутун республикамиз вилоятларидан беморлар наҳот истаб, умид билан келишади. Уларнинг даволаш учун аввало шифокорлар тўғри ташхис қўйиб, сўнг бор билимларини ишга солиб, эътибор билдириб, «Кўлингиз дард кўрмасин, эгнингиздаги оқ либосингизга асло гарди юқмасин», деб ният қиламиз.

**ДИЛОРОМ ИКРОМОВА СУРАТЛАРДА:** Республика кўз касалликлари шифонаси фаолиятдан лавҳалар.

**Тоҳир Нигматуллин олган суратлар.**

Олий тоифали шифокор, малакали акушер-гинеколог Аллома Насриддинова ҳам ана шу касбни эъозлаб, ҳаётининг 60 йилини тиббиётга бағишлаган фидойи шифокорлардандир. Доячили борасидаги юмушларни жуда эрта, 12 ёшдан бошлаган Аллома Хонпошова доячи ёнида дастурлик қилиб, кўмаклашиб юрган. Ёшлигидан малакали акушер-гинеколог бўлишни орзу қилган қизалоқ мактабни тамомлаб Охунбобоев номидаги тиббиёт техникумининг фельдшерлик бўлимига ўқишга кирди. Бу йиллар айни мураккаб, оғир уруш йиллари бўлиб, у Тошкент тиббиёт институтини тахсил олаётган акиси Хайридин билан бирга ҳарбий госпиталда урушдан юборилган ярадор жангчиларга тиббий ёрдам кўрсатган. Техникуми аъло даражаси билан тугаллагач Аллома 1948 йилда Тошкент тиббиёт институтининг даволаш факультетига ўқишга кирди ва ўқиб билан бирга турғуқонада навбатчилик қилиб, ўз малакасини ошира бошлади. Ўқишни тамомлаб йўлланма билан вилоятлардаги шифоналарда аҳолига тиббий ёрдам кўрсатишда ўзининг бор билим ва тажрибасини ишга солиб меҳнат қилди.

1958-68 йилларда эса шахримиздаги 3-турғуқонада самарали фаолият кўрсатиб, жуда кўп ҳомиладор аёлларга доялик қилди. Шунингдек, турли патология ҳолатларда хатто мураккаб операцияларни бажариб, оналар ва болалар ҳаётини сақлаб қолишда жонбозлик кўрсатиб меҳнат қилди. Кейинчалик Аллома На-

### Заҳматқашларимиз

## ЭАЛИК МИНГ БОЛАНИНГ ДОЯСИ

Ҳаётда шундай шарофатли касб эгалари борки, уларнинг меҳнатлари ниҳоятда эъозли ҳамда машаққатлидир. Она бўлиш бахтига мушарраф бўлаётган аёлларга хеч қандай қўвонч улашаётган, она ва бола соғлиғи учун масъулиятни чуқур ҳис этиб кечаю кундуз тиним билмай меҳнат қилаётган кўли энгил акушер-гинекологлар мана шундай касб соҳибаларидир.

Насриддинова Боровский номидаги тиббиёт техникуми ва электротехника билим юртида ўқувчиларга тиббиётдан тиббиётқа кўчирилган шифокор сифатида республикамизда ёш тиббиёт ходимларини тайёрлашга салмоқли ҳисса қўшди. Айниқса 1966 йил зилзиласи даврида аҳолига тиббий ёрдам кўрсатишда фаоллик кўрсатди. Шу йиллари унинг иштироки ва саъй-ҳаракатлари билан 2-турғуқона бунёд этилди. Бу янгилик билан ташкил турғуқонада Аллома опа кўп йиллар бўлиб мудир лавозимини фаолият кўрсатиб, хотин-қизлар саломатлигини муҳофаза қилиш ва уларнинг турли хасталиклари билан даволаш, ҳомиладор аёлларнинг соғлом болаларни дунёга келтиришига муносиб ҳисса қўшди.

Касбга меҳр ва садоқат инсонни камолотга етказиб, адрбатта. Аллома опа ҳам

касбини улғулаган инсонлардан. Унинг самарали ва мазмунли умр йўлини сарҳисоб қилган киши бунга гувоҳ бўлади. 4-



турғуқонада бош шифокор бўлган чоғидаги ташкилотчилик қобилияти дейсизми, тажрибали гинеколог сифатида кўп

ажумманларда фаол қатнашганлиги, «Социал гигиена ва акушер-гинекологлар хизматини яхшилаш» мавзусида олиб борган ишлари, ёхуд аёллар маслаҳатхоналарида ва поликлиникалардаги самарали фаолияти фақат тахсинга сазовор бўлган. Бир сўз билан айтганда, аҳолига тиббий хизмат кўрсатиш маданиятини янада ривожлантириш, унинг долзарб муаммолари шифокор Аллома Насриддинованинг ҳамма диққат-эътиборида бўлиб келган. Олий тоифали акушер-гинеколог номига сазовор бўлган шифокор 1995 йилдан хозирги вақтгача 4-оилавий поликлиникада гинеколог сифатида фаолият кўрсатиб, аҳоли ўртасида, айниқса маҳалаларда тиббий профилактика тадбирларини ташкил этишда, келин-куёвларни тиббий кўридан ўтказишда, савол-жавоб кечаларини уюштиришда фаол иштирок этмоқда. Шунингдек, гивандлик, ичкилик

# САЛОМАТЛИК — ТУМАН БОЙЛИК

2005 — Сихат-саломатлик йили

## БОЛА СОҒЛИҒИ — ОНА БОЙЛИГИ

Ишлайман деган одамга ҳаммаша иш топилади. Айниқса, Сихат-саломатлик йилида амалга оширилган юмушлар кўп. Ахир, Юнусобод тумани, Амир Темуру кўчасида жойлашган 25-оилавий поликлиника ҳудудда 34 минг аҳоли яшайди. Бу ҳар бир шифокор 1400 нафардан зиёдроқ кишига тиббий хизмат кўрсатади, деганидир.

Хозирги пайтда поликлиника қошида умумамалиёт шифокорлари томонидан мижозларнинг тутилган вақтидан бошлаб бир умрга бирламчи кўп соҳали тиббий ва профилактик ёрдамнинг ташкил этилгани айни муддао бўлди. Улар беморларга мазкур марказда ёки вазият тақозосига қўра хонадонларга бориб тегишли ёрдам кўрсатиш билан бирга профилактик, санитария-эпидемиологик, ташхис қўйиш, реабилитация тадбирларини ўтказишади. Бундай хизматнинг афзаллиги шундаки, бир уйга бир неча марта борган шифокор ўша оила аъзолари саломатлигини ҳар томонлама ўрганади, улар организмда руй берган кичик ўзгаришни ҳам пайқайди. Бу эса ҳеч мунобағасиз, беморларнинг тезроқ дарддан форм бўлишини таъминлайди.

Соғлом онадан соғлом боланинг туғилиши ҳаммага аён. Шунинг учун ҳам ҳудуддаги 9 та маҳалла, мактаблар ва болалар муассасаларида мазкур масала бўйича тарғибот-ташвиқот ишлари олиб борилаетир. Гинеколог-

лар ойига бир марта Никоҳ уйларида бўлиб бўлгуси келинлар билан машгулотлар ўтказиб туришади. —Жорий йилда 68 нафар келин-куёв тиббий кўридан ўтказилган ва уларнинг уч нафари тула соғайгунча даволанишга ётқизилди, — дейди поликлиника бош шифокори Гузал Қодирова. —Болалар ўртасида турма ногиронлиқнинг олдини олиш масаласи ҳам диққат марказимизда турибди. Жумладан 370 нафар ҳомиладор аёл скрининг марказига йўлангани ана шу мақсад йўлида қилинган хайрли ишдир. Аҳил жамоамизда ўз бурчларини сидқидилдан ўтаётган Муҳаддас Аъзамова, Марьям Каинова, Феруза Қосимова сингари шифокорлар мижозлар ҳурмат-эътиборини қозониб, ҳамкасбларига ибрат намунасини кўрсатаётирлар.

**(Ўз муҳбиримиз) СУРАТДА :** болалар шифокори (невропатолог) Муҳаддас Аъзамова бола соғлигини назоратдан ўтказмоқда.

### Миннатдорчилик

## ОҚ ХАЛАТЛИ ДИЛКАШЛАРГА

Саломатлик энг катта бойлик ҳисобланади. Зеро, киши соғлом бўлишига, ҳар бир ишда фаолдир. Бу борада беминнат хизмат қилаётган шифокорларни эса наҳот фаришталарига қийнаш жоиздир. Биз «Тошкент трактор заводи» давлат акциядорлик жамиятига қарашли санитария қисмининг бош шифокори Абдумурод Бобожонов раҳбарлик қилаётган ушбу шифона шифокорларига, хусусан психосоматика бўлими жамоасига ўз миннатдорчилигимизни билдиришмоқчимиз. Мазкур бўлим раҳбари, ходимлари бу ерга ўз дардига шифо истаб келаётган ҳар бир беморга алоҳида эътибор билан қараб даволашмоқда.

Айниқса, малакали шифокор Инатулла Турсунов ўз ишига сидқидилдан ёндашиб фаолият юритиб келаётган шифокорлардан бири саналади. Врачлар биз беморларни даволаш

жараёнида наинки шифокор нурани назари билан, балки ширинсўхан, дилкаш дўст сифатида ҳам кўнглимизни, дилимизни чароғон этдилар. Ширинсўз ҳамширалар эса

бига заҳматқашликдан ташқари, ана шу хислатлар ҳам мавжуд.

Биз бу ерда даволаниб, овқат туриб кетар эканмиз, шундай шифокорларга тасаннолар айтгимиз келди. Илоҳини, уларнинг умрлари узун, мартабалари бунданда улғу бўлиб эл дуосига сазовор бўлаверсинлар. Сўзимиз охирида оқ халатингизга ҳеч қачон доғ тушмасин эл наҳотқори ҳисобланмиш шифокорлар деймиш.

Ҳам гуруҳ беморлар номидан **Роза МАҲҚАМОВА, Турсун Турсун Турсун ХОЛМУҲАМЕДОВА**

### Шифокор маслаҳати

## ҲАРОРАТЛИ КАСАЛЛИКЛАРДА ОВҚАТЛАНИШ ТАРТИБИ

Турли ҳароратли касалликларга қарши курашишда тиббиёт фани эришган ютуқлар орасида касалликнинг туррига, оғир-енгиллигига қараб бериладиган дори-дармонлар билан бирга шифокор томонидан тайинланган махсус овқатланиш тартиби ва режими ҳам муҳим омиллардан биридир. Лекин шунга қарамай хозирги кунда айрим шифоналарда, айниқса кенг халқ ўртасида беморнинг ҳол-аҳволи билан ҳисоблашмай «Табии табиб эмас, бошидан ўтган табиб» тақлидидаги маслаҳатларга амал қилиш натижасида кўнглисиз ҳоллар содир бўлмоқда.

Биз кўйда баҳор ва куз, қиш фаслларида инсон ҳаётида тез-тез учрайдиган табиқ ҳароратнинг кўтарилиши билан боғлиқ бўлган айрим касалликлар — грипп, ўткир ва сурункали шамоллашда парҳезий овқатланишнинг аҳамияти тўғрисида қисқача гапириб ўтмоқчимиз.

Касалланган бемор организмда кўпгина мураккаб модда алмашиш жараёни катори овқат ҳазм қилиш жараёни ҳам сезиларли даражада пайсан бўлади. Лекин бу организмнинг овқат маҳсулотларига бўлган талабининг пасайишига сабаб бўлади. Касалланган бемор организмнинг касалликка қарши курашиш қобилиятини кескин оширишда турри парҳезий овқатланиш муҳим аҳамиятга эгадир. Афсуски, халқ ҳам халқ ўртасида ҳароратли касалликларда турри овқатланишнинг моҳиятини тушунайдиган кишилар учраб туради. Шунинг учун бўлса керак, халқ ўртасида: «Исиги кўтарилишига ишга пасайган» деб бундай беморларнинг овқатланишига эътиборни қаратмайди. Бундай ҳол содир бўлишига йўл қўймайлик керак. Кам қувватли, витаминлари кам микдордаги «ёвгон кўрда» каби овқатларни буюрадирлар. Ачинарлики шундаки, айрим ҳолларда «даволашни» мақсадда спиртли ичимликларни тавсия қилувчи кишилар ҳам учраб туради. Беморларнинг овқатланишларига бундай асоссиз ёндашиш, хаста киши организмнинг сезиларли кучсизланишига ҳамда касаллик билан курашиш қобилиятининг пасайишига олиб келиши табиийдир.

Парҳезий овқатланишни ташкил қилишда қуйидаги талабларга эътибор бериш муҳимдир. Юқори ҳароратли касалликларда бемор организмнинг оқсил маҳсулотларига бўлган талабини эътиборга олиб, улар овқатда сўт, сўт маҳсулотлари, гўшт, тухум бўлиши мақсадга

бозликнинг ҳомилага салбий таъсири, ногирон болаларнинг дунёга келиши, аёллар соғлигини сақлашнинг долзарб масалалари ҳақида суҳбатлар ташкил қилиб келмоқда.

Умрининг 60 йилини тиббиётга, она-бола соғлигини сақлашга бағишлаган, ярим аср ичида 50 мингдан ортиқ болага доялик қилган Аллома Насриддинованинг ҳалол ва самарали меҳнатлари муносиб тақдирланган. Энг асосийси эл дуосини, раҳматини олган бу фидойи аёлнинг кексайган чоғида ҳамон халқ орасида, меҳнатда эканлигини унинг, касбга бўлган улкан садоқати дея баҳолаш мумкин. Аллома опа умр йўлдоши — танқил шифокор, олим, педагог Набиқўжа Носирхўжаев билан олти нафар фарзанд кўриб, аҳил яшашди, лекин бешафқат ўлим умр йўлдошини ҳаётдан эрта олиб кетди. Барча қийинчиликларни сабру бардош билан енгган Аллома опа фарзандларини ўқитиб, ўзи ва отаси каби олий маълумотли шифокор қилиб етиштирди. Улар ҳозирда эл хизматига қамарбаста бўлиб фаолиятларини давом эттиришмоқда. Элда эъзоз бўлиш ҳар кимга ҳам насиб қилавермайди албатта. Бу узоқ йиллар ҳалол ва заҳматли меҳнат самарасидир. Зеро, ҳалол меҳнатнинг меваси ширин бўлади дейдилар.

**Гулором ҲАМИДОВА СУРАТДА:** Аллома Насриддинова касбдошлари даврасида **Наталья Семёнова олган сурат.**

### Сўраган эдингиз

## ВЕНАЛАРНИНГ ВАРИКОЗ КЕНГАЙИШИ

Хурматли таҳририят ходимлари! Кейинги пайтларда мен оёқ ва кўл томирларимнинг кенгайиб, бўртиб қолганлигини сездим. Илтимос, газетанинг «Саломатлик-туман бойлик» саҳифасида томирлар кенгайишининг сабаблари ва унга қандай муолажа қилиш ҳақида маълумотни беришингиз.

**Ҳ.Шодибеков, Ҳамза тумани.**

Ҳозирда кўпчилик кишиларда томир касалликларидан бири — оёқ веналарининг варикоз кенгайиши кўп учрамоқда. Бу касаллик аҳолининг 20-40% физик ўртасида мавжуд. Кўп ҳолларда беморлар веналарнинг варикоз кенгайиши зўрайиб кетгандан сўнг, яъни сурункали веноз етишмовчилиги пайдо бўлганда тиббиёт ходимлари мурожаат қиладилар. Бугунги кунда бу касалликнинг асосий давоси жаррохлик (оператив) фаол даволаш бўлишига қарамай, медицина томонида ҳам ўз натижасини бермоқда. Томирларни тонуслаштирувчи препаратларни қўллаш беморларнинг операциядан олдин ва кейинги аҳолининг яхшилашга ва баъзи бир сабабларга қўра фаол даволашни қўллаб бўлмайдиган беморларга ҳам яхши ёрдам бермоқда.

Амбулатор амалиётида сурункали веноз етишмовчилигининг консерватив усули билан даволашда кенг ишлатиладиган медицина томонидаги препаратлардан бири — бу Эскузан дори воситасидир, бу сохта каштан уруғининг экстракти бўлиб, Германиянинг «Фарма Вернигероде» фармацевтик корхонаси томонидан ишлаб чиқарилади. Унинг таркибида — тригерленгликозидлар, флавоноидлар ва катехин мавжуд. Шу хусусиятлар туфайли қон айланиш тизими яхши таъсир этади ва томир деворининг ўтказувчанлигини, заифлигини пайсаятиради ва шунга қарши ҳаракатни таъминлайди. Шунинг учун сурункали веноз етишмовчилиги касаллигини даволашда эскузан туфайли қон айланиш тизимига яхши таъсир этади ва томир деворининг ўтказувчанлигини, заифлигини пайсаятиради ва шунга қарши ҳаракатни таъминлайди. Шунинг учун сурункали веноз етишмовчилиги касаллигини даволашда эскузан туфайли қон айланиш тизимига яхши таъсир этади ва томир деворининг ўтказувчанлигини, заифлигини пайсаятиради ва шунга қарши ҳаракатни таъминлайди.

Бемор организмнинг касаллик туфайли овқат маҳсулотларидаги витаминларни ўзлаштириш фаолияти пасайганлигини, лекин организмнинг уларга бўлган эътиёби катталигини эътиборга олиб, беморларга тайёр ҳолда А,В1,В2, РР,С поливитаминларидан шифокор масъулига қўра фойдаланиш яхши натижа беради.

Ҳароратли касалликларда беморнинг ишга ҳисси сезиларли пасайишига туфайли уларнинг оз-оздан, лекин тез-тез овқатланиш турлари (4-6 мартаба) тавсия қилинади. Ҳар бир бемор учун парҳезий овқат тузишда даволочили шифонинг маҳсулотларига амал қилган бўлган талабини эътиборга олиб, улар овқатда сўт, сўт маҳсулотлари, гўшт, тухум бўлиши мақсадга

**Абдуваҳҳоб ТҲОҲИРИ, шифокор.** **Алишер ИСМОИЛОВ, шифокор.**

Ўзбекистон ва жаҳон



— Руминия бирлашганидан сўнг мамлакатимизда қатор демократик ўзгаришлар, жумладан, ер ислохоти амалга оширилди, Конституция қабул қилинди, - деди элчи. — Қисқа давр ичида саноатда ишлаб чиқариши ҳажми икки баробар кўпайди, мамлакат нефт ва газ ишлаб чиқариши бўйича Европада иккинчи, жаҳонда еттинчи ўринни эгаллади. Иккинчи жаҳон урушидан кейин Руминия

**сидаги ҳамкорлик қандай ривожланмоқда?**

— Руминия Европа-Кавказ-Осиё транспорт йўлаги йўналишида жойлашган барча давлатлар билан ўзаро манфаатли алоқаларни йўлга қўйиш тарафдори, - деб таъкидлади элчи. — Бу жихатдан Ўзбекистон алоҳида ўрин тутди. Руминия билан Ўзбекистон ўртасидаги икки томонлама

яратган бошқа давлатларро ҳужжатлар имзоланди.

Элчининг сўзларига қараганда, тўқимачилик саноати, мебелсозлик, қурилиш материаллари, фуқаро - саноат қурилиши, мелiorатив ишлар, қишлоқ хўжалиги маҳсулотларини қайта ишлаш каби соҳалардаги ҳамкорликни янада ривожлантириш учун қулай шароитлар яратилди.

шидан кейин Руминия бошқа социалистик давлатлар каби ривожланиб борди, аммо тоталитар тузум туфайли ижтимоий ва иқтисодий инқироз, дунё ҳамжамиятидан ажралиш рўй берди. К. Александнинг сўзларига қараганда, 1989 йилдаги декабр инқилоби Руминиядаги тоталитар тузмга барҳам бериб, мамлакатда демократиянинг тикланишига ижобий шароит яратди. Руминия халқининг жамияти демократиялаштириш ва ҳуқуқий давлат қуриш йўлидаги ютуқлари барчага аён. Инқилобдан сўнг мамлакатда янги демократик ҳаракат ва партиялар юзага келди. Руминиянинг янги Конституцияси қабул қилинди. Ҳозирги пайтда завод ва фабрикаларни хусусийлаштириш жараёни амалга оширилмоқда, бозор иқтисодиёти тикланяпти.

— Руминия Европанинг жанубий-шарқий қисмида жойлашгани унинг табиғата ўзгача чирой бағишлайди, - деди элчи. — Давлатнинг ундан бир қисмидан кўпроғини Карпат тоғлари эгаллайди. Улар унчалик баланд бўлмасда, тоғлар манзараси ҳайратланарли даражада гўзал. Форлар, мусаффо кўллар, улкан-улкан мегалит тошлари ва шаршаралар мамлакатимизнинг нафақат табиий бойлиги, балки ҳар бир руминияликнинг фахри ҳисобланади, - деди К.Алекса.

— Руминия билан Ўзбекистон ўрта-

**РУМИНИЯ — ЎЗБЕКИСТОН ҲАМКОРЛИГИ**

**1 декабрда Руминия халқи ўзининг Миллий байрамини нишонлайди. Бундан роппа-роса 87 йил муқаддам 1918 йилнинг 1 декабр кунин Алба Юлия шаҳрида Халқ Мажлиси Трансильвания билан Руминиянинг бирлашишига овоз берди. Натижада руминлар яшайдиган ҳудудда миллий давлат ташкил топди. «Туркистон-пресс» мухбири Руминиянинг Ўзбекистондаги Фавқулодда ва мухтор элчиси Константин Алекса билан мазкур байрам муносабати билан суҳбатлашди.**

манфаатли муносабатлар тобора тараққий этиб бормоқда. Аммо ҳамкорликни янада кенгайтириш ва чуқурлаштириш учун катта имкониятлар мавжуд.

Элчи давлатларимиз ўртасидаги хавфсизлик масаласидаги ҳамкорлик диққатга сазовор эканини эътироф этди. Ўзбекистон ва Руминия халқаро терроризм, уюшган жиноятчилик, қурол-яроғ ва гиёванд моддалар контрабандасига қарши биргаликда курашишмоқда.

— 1992 йилда давлатларимиз ўртасида дипломатия муносабатлари ўрнатилган бўлиб, ўша пайтнинг ўзидеяқ қатор давлатларро ва ҳуқуқматларро ҳужжатлар имзоланган эди, - деди элчи. — Ўзбекистон Республикаси Президенти Исрол Каримовнинг 1996 йилда Руминияга қилган расмий сафари икки давлат ўртасидаги алоқаларда бурилиш ясади. Ташриф чоғида ҳамкорлик ва дўстлик шартномаси, савдо-иқтисодий, илмий-техникавий алоқаларининг жадал ривожланишига асос

мамлакат ўртасидаги савдо алоқаларини янада кенгайтириш таклифини билдиришди.

— Ўзбекистон Руминияга пахта толаси, ҳар хил мато, ип қалаваси ва турли хизматларни экспорт қилади. Ўз навбатида, Руминиядан Ўзбекистонга пластмасса ва пластмасса маҳсулотлари, ўсимлик мойи ва дори-дармонлар келтирилади. Ҳозирги вақтда саноатнинг пахта тозалаш, нефтгаз, озиқ-овқат тармоқларида ҳамкорлик ўрнатилган. Ўзбекистоннинг ташқи иқтисодий фаолият Миллий банки билан Руминиянинг етакчи молиявий институтлари ўртасида қатор битимлар имзоланган. «Ўзбекнефтгаз» Миллий Холдинг компанияси билан руминиялик компаниялар томонидан махсус асбоб-ускуна етказиб бериш борасидаги шартнома имзоланган. Бугунги кунда мамлакатингизда «Афсар Компани» Ўзбек-Руминия қўшма корхонаси фаолият юритмоқда, - деди К.Алекса суҳбат якунида.

**КОПЕНГАГЕНДА ЎЗБЕКИСТОН МЎЙНАСИ**

**Ўзбекистон биринчи марта халқаро мўйна ким ошди савдосида иштирок этади. Республика Қишлоқ ва сув хўжалиги вазирлигидан хабар беришларича, мазкур беш кунлик анжуман 12 декабрда Даниянинг Копенгаген шаҳрида бўлиб ўтади.**

Бухоро қоракўлчилик заводи бош муҳандиси Раҳмат Эргашевнинг таъкидлашича, «Korpehagen FUR» — «Копенгаген мўйнаси» аукционининг менежери томонидан ким ошди савдосига қўйиш учун республикамизда мунтазам фаолият юритаётган мўйна маҳсулотлари ва қоракўл терилари кўргазмаси коллекциясидан юзта қора ва сур рангли аъло сифатли қоракўл терилари танлаб олинди.

Унинг сўзларига қараганда, халқаро мутахассислар жигаранг қоракўл териларининг турли товланишдаги териларига юқори баҳо беришмоқда ва улар Ўзбекистоннинг ташриф қоғози бўлиб ҳисобланган қишлоғи ишонч билдиришяпти. Танлаб олинган қоракўл терилари жингаланингин майин ва яққоллиги, жозибдор товланиши билан ажралиб туради. Айни шу жи-

хатлар халқаро мутахассислар эътиборини қозонмоқда. Бухоро қоракўлининг мазкур ким ошди савдосида намойиш этилиши аънанга айланган Афғонистоннинг кулранг ва Намибиянинг қора рангли қоракўл терилари кўргазмасини янада кенгайтиради. Данияда ўтказиладиган мазкур кўргазмада дунёнинг барча мамлакатларидан мингдан ортиқ мўйна ва тери тайёрловчилар ўзи маҳсулотларини намойиш этишяпти.

Р.Эргашевнинг таъкидлашича, ҳозирги пайтда шиншилла, норка ва шимол тўқимачилигининг терилари энг кимматбаҳо ҳисобланади. Қоракўл бу рўйхатда тўртинчи ўринни эгаллайди. Қўришчи ва жаҳоннинг санокли жойларидангина етиштирилиши билан сур қоракўли алоҳида эъзозланади. «Ўзбек қоракўли» компа-

нияси вакили 2006 йилнинг февралда халқаро мўйна савдо мавсумини очиб берадиган Копенгаген аукционидан мамлакатимизнинг ҳам иштирок этиши борасидаги шартнома имзолангани хусусида маълум қилди. Бундан ташқари Ўзбекистонлик қоракўлчилар келаси йилда Канаданинг Торонто шаҳрида ҳамда Финляндиянинг пойтахти Хельсинкида ўтказиладиган иккита йирик халқаро мўйна ким ошди савдосида қатнашишни режалаштирган.

Мамлакатимизда ҳар йили ўртача олганда 650 минг дона қоракўл териси тайёрланади. Тармоқнинг мавжуд инфратузилмаси йилга 1-1,5 миллион қоракўл териларини ишлаб чиқариш салоҳиятга эга. 2015 йилгача янлов чорвачилигини ривожлантириш Концепциясида агросекторнинг мазкур тармоғини ривожлан-

тириш ва унинг рақобатбардошлилигини шакллантириш назарда тутилди.

2005 йилнинг ўн ойи мавсумида 1,3 миллион доллардан зиёд қоракўл териси ва қоракўл маҳсулотлари экспорт қилинди. Ўзбекистон қоракўлчиларининг маҳсулотларига Озарбойжон, Россия, Италия ва Германиянинг қатор савдо корхоналари катта қизиқиш билан қарашмоқда. Бу ҳамкорлик натижасида 2005 йилнинг якунига қадар «Ўзбек қоракўли» компанияси икки миллион доллар миқдоридан маҳсулотни экспорт қилишни режалаштирган.

Қоракўл териларини етиштиришга ихтисослашган 110та ширкат хўжалиқлари маҳсулотлари бўлимиш қора, кулранг, сур, шунингдек камб бўлган оқ, пушти ва олтин ранг қоракўл терилари намуналари билан 2005 йилда Бухоро қоракўлчилик заводи ҳудудида очилган ягона кўргазмалар майдончасида батафсил танишиш мумкин.

Қоракўлчилик мустақил тармоқ сифатида минг йиллар аввал Бухоро амирлиги воқидларидо пайдо бўлган. «Туркистон-пресс»

**Шарқ дурдоналари**

**Оз-оз ўрганиб домо бўлу...**

• Тўри сўзи киши барчанинг эътиборини қозонади. Яхши ишидан янада улугроқ мартабаларга тавсия этилади. Қадр-қиммати ортади, ҳамма ерда сўзи мақбул бўлади. Ёлғончи эса аксинча, бу нарсаларнинг барчасидан маҳрум бўлиб, унинг орқасидан одамлар нафрат билан қарашади. Ёлғончи ёлғон сўзи билан ўзгаларнинг обрўсини тўқмоқчи, ҳуқуқидан маҳрум қилмоқчи бўлади. Ваҳоланки, унинг ёлғон сўзлари ўзи учун қони зарар бўлиб чиқади.

• Эй азиз, билгилки, одамзот дунёда қўлида бориға қаноат қилиши лозим. Шундагина у одамларга таъма қўлини чўзмайди. Кимки керагидан ортиқча нарса қўдириш пайида бўлса меҳнатлар домига тушади. Беسابрлик ва таъма олови уни ҳорлик кўчасига иргитиб ташлайди, одамларнинг назаридан четда қолади. Натижада ундай киши надомат тўрига ва маломат ўқига дучор бўлади. Билгилки, таъма бурча балоларни келтирувчи ва жамлаи офатларни қўзғатувчидир.

• Ҳасадчи киши одамларнинг шод ва хушқолиғидан доимо ғам чекади ва алам тортади. Ҳа, дунёда ҳасад ва бахилликдан кўра ёмонроқ дарду алам йўқ! Шундай экан сен бундай кишилардан узоқ юр, уларнинг суҳбатидан қоч!

Назм:  
**Дармон қабул қилмас иллатдир ҳасад, Ҳасадчининг доим ғамдир беҳад!**

• Кишининг ўз нафсидан қочши йиртқич шердан қочгандан фойдала.

• Унутмагинки, таъмаси кўп кишининг инсофи оқ бўлади. Таъмағир ўзи учун келаётган ҳалокатни ўзи билмайди.

Пасткш одам бирор кимсани севса у кўрқанидан севади ёки таъмағирлиқдан.

• Ҳикмат. Қаноат меваси роҳат, камтарлик меваси муҳаббат.

Байт:  
**Қаноат айлагин, эй хушёр киши, Қаноат роҳатдан беради нишон!**

• Айтишларича, бир оқил йигит ҳақида қўйидагича ҳикоя қилишар экан. У дўстлари билан ҳамisha улфат, улар билан доимо ҳамдаму ҳамсуҳбат экан. Йигит ўз дўстларидан меҳрибонлигини ҳеч вақт дариг тутмас, қўлидан келганича яхшилик қилар эди. Тилида эса қўйидаги шеърни тараннум қилгани қилган экан:  
**Бугун қўлда бор экан йигитлигинг даврони, Ҳайрат қил, оғримасин сиздан ҳеч кимнинг жони!**

**Яхшиликнинг баҳори доим бир хил турмайди, Бир кун нуқсон етару пайдо бўлар ҳазони!**

Унинг ҳулқи ва одоби туфайли барча киши унинг ҳузуридо бандалик камарини боғлаб, хизматидо ҳозир нозир экан.  
• Фаридулдиндан сўрадилар:  
— Одамларни ўзингдан узоқлаштирмаслиқнинг чораси нима?  
У деди:  
— Чидам ва мулойимлик!  
Яна ундан сўрадилар:  
— Мушкул нарсаларни қандай хал қилса бўлади?  
У яна:  
— Чидам ва мулойимлик билан, — деб жавоб берди.

**Кўрғазмалар**

**ИСТЕЪДОДЛИ ЁШЛАР — МИЛЛАТ КЕЛАЖАГИ**

Ўқувчиларнинг бўш вақтини мазмунли ўтказиш ва иқтидорли ёшларнинг турли хил касбларни ўрганишларига имкон яратиш мақсадида шаҳримизда кўплаб марказлар фаолият олиб бормоқда. Ўқувчиларнинг мактабдан ташқари бўш вақтларини умумли ўтказиш мақсадида 1953 йилда ташкил этилган Миробод туманидаги ўқувчилар ижодияти марказида ўз касбининг моҳир тўғарак раҳбарлари келажакимиз ворисларига миллий хунармандчилик йўналиши бўйича санъат сирларини мукамал тарзда қатъан билан ўргатишмоқда.

Марказда бичиш-тикиш, тасвирий санъат, бадиий ўқиш, миллий кашта, вокал, мунчоқ беазш, рақс студияси, кулолчилик, фотостудия, фотомуқбирлар каби бир нечта тўғаракларнинг фаолият юритаётганлиги фикримиз далилидир.

Куни кеча марказда бўлиб ўтган расмлар кўрғазмаси тасвирий санъат студияси ҳамда «Маънавият ва маърифат» марказининг Миробод туман бўлими ҳамкорлигида уюштирилди.

— Хар бир жамиятнинг маънавий даражаси унинг истеъдод эгаларини, умуман эса, қобилиятли шахсларни камол топтириш учун ёшларга етарли шарт-шароитни ташминлаб бериши билан ҳам белгиланади. — Бизда барча шарт-шароитлар етарли. Шу боис ўтказилиб келинаётган барча тадбирларимиз истеъдодли ёшларимизнинг иқтидорларини

намоён қилишларига ва уларнинг теран, соғлом фикрлашларига қаратилгандир, — дейди «Маънавият ва маърифат» марказининг туман бўлими раҳбари Гулчехра Набиева. — «Саломатлик — туман бойлик» шiori остида ўтказилган бу кўрғазмада асосан 5 ёшдан 14 ёшгача бўлган ёшлар иштирок этишди.

— Расм чизишга жуда қизиқаман. Онамнинг айтишича, болалигимда ҳам кўлимдан қалам тушмаган экан. Кўрғазма учун чизган суратим эса «Еш парашютчилар» деб номланади. Расмда парашютчиларимиз мовий осмонимиз бўйлаб эркин куш мисоли парвоз қилишмоқда. Бунинг ўзгача рамзий маънолари ҳам бор, — дейди бизга кўрғазма қатнашчиси, эндигина 13 ёшни қаршилаган, Хиндистонда ташкил этилган «Шанкар» бутунжаҳон болалар расмлари кўрғазмаси кумуш медали соҳибаси Насибел Айтмуратова.



— Насибел сингари истеъдодли ўқувчиларимиз талайгина. Хусусан Яна Ким, Дарья Евдокимова, Вартан Нанесов ва бошқалар марказимиз фахри. Улар Миср фан ва таълим марказида ташкил этилган «Миср Ўзбекистон болалари нигоҳида» мавзусидаги расмлар кўрғазмасида ҳам иштирок этишди, — дейди Миробод тумани ўқувчилар ижодияти маркази раҳбари Феруза Турсунова.

Шунингдек, кўрғазмада «Отчолар», «Оиламнинг соғлом турмуш тарзи» каби кўплаб суратлар ҳам намойиш этилди. Кўрғазмадаги ран-тасвирларнинг бир-бирига уйғунлиги барчанинг бахри-диллини хушнуд қилди.

**Ёқутхон СУЛАЙМОНОВА, Мирзо Улугбек номидаги Ўзбекистон Миллий университети журналистика факультетининг 1-босқич талабаси. СУРАТДА: кўрғазмадан лавҳа**

Фараз қилайлик, тасодифан ларғалак рўй берди. Бу вақтда кўпчилик ўзини йўқотгандан шояиб қолади ёки тез тиббий ёрдамни кутади, лекин ўзи ҳеч нарса қила олмайди. Ўзингизга ёки яқин кишигизга ёрдам бериш, ҳатто ҳаётини сақлаб қолиш учун зудлик билан ёрдам бериш зарур бўлиб қолган вазият юз берди, лекин тез тиббий ёрдам хизмати ушланиб қолди. Шунинг учун ҳам ҳар биримизнинг биринчи ёрдам бериш билимига эга бўлишимиз жуда муҳимдир. Бу борада ҳамкорлик доирасида турли анжуманларнинг ташкил этилиши доимий анъана тусига кирганлигини таъкидлаб ўтиш жоиз. Тошкент шаҳар Фавкуллода вазиятлар бошқармаси, шаҳар Соғлиқни сақлаш бош бошқармаси, санитария-эпидемиология маркази ва Қизил Ярим Ой жамияти Тошкент шаҳар Кенгаши билан ҳамкорликдаги режага асосан республика ўқув-услубий марказида ишлаб чиқариш корхоналарининг санитар дўржнхалари сардорларининг касб малакасини ошириш бўйича машғуллар ўтказилди.

Ун кун давомида бўлиб ўтган машғулларда Тошкент шаҳри ҳудудидаги ўта муҳим, тифолаштирилган корхоналарнинг 25 нафар вакили қатнашди.

Назарий ҳамда амалий тарзда ўтказилган ушбу тадбирда Тошкент шаҳар Фавкуллода вазиятлар бошқармасининг етакчи мутахассислари Хамза Шодиев, Завен Яролян, бошқарма ўқув маркази бошлиғи, катта лейте-

бай Интиқлар мавзу бўйича маъруза қилдилар.

Хар бир мавзу юзасидан тингловчиларнинг тасаввур ва кўникмалари синаб кўрилиб, уларнинг фаолияти тўғри йўналишдалиги белгилаб борилди ҳамда қачми-

нинг бу борадаги касбий малакаларини режа асосида ошириб боришларини ташкиллаштиришдан иборат эди. Тингловчиларнинг назарий билимларини амалда синаб кўриш мақсадида, Мирзо Улугбек туман ҳудудида жойлашган Улугбек номили маҳалла ахли билан "Зилила, сув тошқини ва радиацион нуранлиш вақтида санитар-дўржнхана сардорларининг ҳаракати" мавзусида махсус-тактик машғулот ўтказилди. Қизиқарли ҳамда фойдали бахшмунозара тарзида ташкил этилган тадбирдан хулоса шу бўлдики, мураккаб бўлмаган меъёрлар ва қоидаларга риоя қилинса, шикастланишга ва ўлимга олиб келувчи анча ҳодисаларнинг олдини олиш мумкин ҳамда ўзимизни ва бизга яқин кишиларнинг ҳаётини сақлаб қолишимиз мумкин экан.

Фурсатдан фойдаланиб, ҳамшарҳларимизга яна шунчи эслатиб ўтамизки, шаҳримизда осойишталикни сақлаш мақсадида зийраклик билан куну тун беминнат, бепул хизмат кўрсатаётган Тошкент шаҳар Фавкуллода вазиятлар бошқармаси "Қутқарув хизмати"нинг ёрдамига муҳтож бўлиб қолсангиз, исталган вақтда "050" рақамига қўнғирок қилишни унутманг.

**Хуснияхон ТОЖИБОЕВА, бошқарма матбуот гуруҳи ходими**

**Фавкуллода вазиятлар бошқармасида ИНСОНПАРВАРЛИК — УСУВОР ЙЎНАЛИШЛАРДАН БИРИДИР**

Юртимизда содир бўлиши мумкин бўлган Фавкуллода вазиятларга тайёргарлик кўриш, муносабат билдириш ва фалокатларнинг асоратини камайитриш Фавкуллода вазиятлар вазирлиги билан бир қаторда Қизил Ярим Ой жамиятининг ҳам асосий йўналишларидан бири ҳисобланади.

нант Отабек Шоюсупов, Қизил Ярим Ой жамиятининг Тошкент шаҳар Кенгаши фавкуллода вазиятлар бўйича мувофиқлаштирувчиси Нилуфар Раҳимболатова, Соғлиқни сақлаш бошқармасидан Роман Тян, шаҳар Санитария-эпидемиология маркази ходимлари Дилором Нуриддинова, Борис Шевченко, Ички ишлар Бош бошқармаси ходими Серик-

лимовли малакали мутахассислар томонидан тўлдирилди. Юқоридида таъкидлаб ўтилганидек, тадбирнинг асосий мақсадларидан бири, агар фавкуллода вазиятлар содир бўлгундек бўлса, тиббий ёрдам етиб келгунга қадар санитар-дўржнхана сардорлари ўз корхоналарида жабранланганга биринчи тез тиббий ёрдам кўрсата олишлари, шу мақсадда сардорлар-

**Биласизми? ПИЗА МИНОРАСИНГ «КУЛАШИ» СЕКИНЛАШДИ**

**Рим.** Бутун дунёга машҳур Пизадаги ўрта асрлар кўнғирокхонаси ўзининг «қулашини» секинлаштирди. Пиза университети мутахассислари ўтказган ўлчаш ишларининг кўрсатишича, ўтган йил минора ўз ўқидан бор-йўғи 0,2 миллиметрга огган. Ўтган йилларда мана шундай даврда унинг «қулаш» тезлиги 1,26-1,29 миллиметрга тенг эди.

«Қулаётган миноранинг ўз вертикал ўқидан ҳозирги оғиши тахминан 2 метр 95 сантиметрни ташкил этади. Бу кўпчилик мутахассисларда жиддий ҳавотирлик туғдирмапти. Бироқ баъзи олимлар жуда тушқун қайфиятда. Улар ўрта асрлар архитектурасининг ноёб ёдгорлигини тезроқ «мустаҳкамлаш» борасидаги ишларни амалга оширишни талаб қилишмоқда.

**Хар тўғрисида ТРАМВАЙ ҚАЙТА ТИКЛАНДИ**

Бундан бир неча йил илгари француз ўқувчилари фақат китоблардаги суратлар орқали трамвай билан танишардилар. Кўча ҳаракатига ноқулайлик туғдирганлиги туфайли шаҳар транспортининг эскиб қолган тури сифатида трамвай линиялардан олиб ташланган эди.

Бироқ, шаҳар магистралларининг ниҳоятда кўпайиб кетганлиги, шунингдек, автомобиллар билан атроф-муҳит ифлосланишининг охиб бориши маъмулларни яна қайтадан шаҳар электр транспортини ривожлантиришга эътиборни қаратишга мажбур этди. Ҳозир Франциянинг 12 шаҳрида, шу жумладан, Гренобл, Тулузада ва Бордода трамвай линиялари ва деполар қуриш ҳақида қарор қабул қилинди. Париж кўчаларида ҳам трамвай линиялари қайтадан тикланади.

**КАШАНДАЛАР КАМАЙДИ**

Финляндия аҳолиси ўтган йили кам чекди, 15 ёшдан 64 ёшгача бўлган Финляндия аҳолисини сўраб кўриш натижалари бундан гувоҳлик беради.

Аниқланишича, сўнги пайтларда кўпгина кашандалар таркибида никотин микдори кам бўлган сигареталарни чека бошлашган. Бундан ташқари ўтган йили сигареталарни ва трубкада чекиш учун мўлжалланган тамақини сотиш ўртача 16 процентга камайди. Финляндияда тамақи маҳсулотларини реклама қилишни, шунингдек, вояга етмаганларга сигареталарни сотиш ҳамда жамоатчилик жойларида чекишни таъқиқловчи қонун амалда қўлланилмоқда.

**Суд қарорларини ижро этиш, судлар фаолиятини моддий-техника жиҳатидан ва молиявий таъминлаш департаментининг Тошкент шаҳар ҳудудий бўлими томонидан ваколатли органлар қарорларига асосан давлат даромадига ўтказиш ва қарз ҳисобига ундиришлик учун хатлиани банд солинган куйидаги автомобилотранспорт воситаларининг очиқ қимомошди савдоси ўтказилди.**

- 2005 йил 13 декабрь куни куйидаги автомобилотранспорт воситаларининг қимомошди савдоси ўтказилди:**
1. «ВАЗ 21063» автомобили, 1987 йилда ишлаб чиқарилган, давлат рақам белгиси 11 N 83-82, бошланғич нархи 1.088.000 сўм, техник носоз - Шайхонтоҳур-213/4
  2. «Москвич 412 ИЭ» автомобили, 1981 йилда ишлаб чиқарилган, давлат рақам белгиси 30 F 81-41, бошланғич нархи 327.680 сўм, техник носоз - Шайхонтоҳур-574/13
  3. «ВАЗ 2106» автомобили, 1983 йилда ишлаб чиқарилган, давлат рақам белгиси Д 05-16 ТН, бошланғич нархи 618.134 сўм, техник носоз - Яқкасарой-21030/13
  4. «ДЭУ Суперсалон 2.0» автомобили, 1998 йилда ишлаб чиқарилган, давлат рақам белгиси йўқ, бошланғич нархи 10.000.000 сўм, техник носоз - Юнусобод - 262/4
  5. «БМВ-325» автомобили, 1994 йилда ишлаб чиқарилган, давлат рақам белгиси йўқ, бошланғич нархи 10.000.000 сўм, техник носоз-Юнусобод-238/4
  6. «ДЭУ Суперсалон 2.0» автомобили, 1998 йилда ишлаб чиқарилган, давлат рақам белгиси йўқ, бошланғич нархи 10.000.000 сўм - Юнусобод - 263/4
  7. «Тойота Ленд Крузер» автомобили, 2003 йилда ишлаб чиқарилган, давлат рақам белгиси йўқ, бошланғич нархи 40.000.000 сўм, техник носоз - Юнусобод-261/4
  8. «Эсперо» автомобили, 1994 йилда ишлаб чиқарилган, давлат рақам белгиси 30 K 65-23, бошланғич нархи 4.466.776 сўм, техник носоз - С.Раҳимов - 258/4
  9. «Нексия» автомобили, 1998 йилда ишлаб чиқарилган, давлат рақам белгиси 30 I 85-75, бошланғич нархи 4.000.000 сўм, техник носоз-Юнусобод-244/4
  10. «Газ-3306» автомобили, 1993 йилда ишлаб чиқарилган, давлат рақам белгиси 47-33 ТНП, бошланғич нархи 1.212.741 сўм, техник носоз-Яқкасарой-3/4
  11. «Газ-53» автомобили, 1976 йилда ишлаб чиқарилган, давлат рақам белгиси 57-20 ТНМ, бошланғич нархи 199.430 сўм, техник носоз-Яқкасарой -2/4

12. «Пежо 307» автомобили, 2004 йилда ишлаб чиқарилган, давлат рақам белгиси 2599 АВ 4, бошланғич нархи 4.811.651 сўм, техник носоз, Юнусобод-221/4
  - 2005 йил 30 декабрь куни куйидаги автомобилотранспорт воситаларининг қимомошди савдоси ўтказилди:**
  1. «Москвич 412» автомобили, 1987 йилда ишлаб чиқарилган, давлат рақам белгиси 30 D 78-07, бошланғич нархи 200. 000 сўм, техник носоз - Хамза-275/4
  2. «Зил 130» автомобили, 1977 йилда ишлаб чиқарилган;
  3. «Ваз-2102» автомобили, 1978 йилда ишлаб чиқарилган, давлат рақам белгиси 10 АА 283, бошланғич нархи 2.861.357 сўм, техник носоз - Бектемир-279/4
  4. «Камаз 54112» автомобили, 1986 йилда ишлаб чиқарилган, давлат рақам белгиси 10 АЕ 705, бошланғич нархи 5.366.611 сўм, техник носоз - Бектемир-279/4
  5. «ГАЗ 24» автомобили, 1977 йилда ишлаб чиқарилган, давлат рақам белгиси 30 F 24-79, бошланғич нархи 1.600.000 сўм, техник носоз - Бектемир-279/4
  6. «ГАЗ 2411» автомобили, 1991 йилда ишлаб чиқарилган, давлат рақам белгиси 10 P 99-97, бошланғич нархи 1.200.000 сўм, техник носоз - Юнусобод-284/4
  7. «Нексия» автомобили, 2003 йилда ишлаб чиқарилган, давлат рақам белгиси 30 D 45-05, бошланғич нархи 7.500 000 сўм, техник носоз - Юнусобод-283/4
- Ким ошди савдолари соат 16-00да бошланади.**  
Савдода иштирок этишга ариза қабул қилиш ҳафтанинг душанба, чоршанба, жума кунлари соат 14.00дан 18.00га қадар ишчи гуруҳи вакиллари томонидан амалга оширилади ва қимомошди савдоси бошланишидан 3 кун аввал тўхтатилади.
- Манзил: Тошкент шаҳри, Усмон Юсупов кўчаси, 3-уй, 2-қават. Маълумот учун телефонлар: 144-54-08, 41-16-38.**

**Спорт**

**ИТАЛИЯДАН  
ЗАФАР БИЛАН**

Кейинги пайтларда бирон бир нуфузли мусобақа йўқки, қаратэчи ларимиз муваффақият қозонишмаган бўлса. Зеро, мустақилликдан сўнг яратилган шарт-шароитлар тўғрисида спортнинг бошқа турлари қатори қаратэ жуда ривожланиб бормоқда. Айниқса ёшларимиз ўртасида ушбу шарқ яккурашига қизиқиш катта.

Италиянинг Виареджио шаҳрида тўрт кун давомида бўлиб ўтган жаҳон чемпионати баҳслари мамлакатимиз қаратэчиларининг нақадар маҳоратли эканликларини яна бир қарра исботлади.

Авваламбор шуни айтиш керакки, ушбу нуфузли турнирда 30 та мамлакатнинг энг кучли қаратэ усталири галаба учун кураш олиб борди.

Одатга кўра қаратэнинг ката ва кумитэ йўналишлари бўйича ўтказилган чемпионатда спортчиларимиз галабаси шарафига етти бор давлатимиз мадҳияси янграб, байроғимиз мағрур ҳилларида. Мутахассису мухлисларимиз кўнгилларини хушнуд қилган олтин нишонларни жамоадoshларимиздан ката бўйича Боржон Исмоилов ва Асроржон Абдуфатов, кумитэ баҳсларида эса Отабек Қосимов, Сардор Назаров, Бобур Давлатов, Хусан Комиловлар кўлга киритишди. Шуниси қўварлики, қизлар ўртасида ўтказилган кумитэ беллашуварларида яна бир ҳамюртимиз Нодира Жуманиёзова ҳам ҳурмат шоҳсупасининг энг юқори погонасиндан ўрин олди.

Ўртодшларимизнинг яна олти нафари кумуш, тўрттаси эса бронза нишонлари билан тақдирланди.

**ОКСАНИНГ  
ЯНА БИР  
МУВАФФАҚИЯТИ**

Австралияда спорт гимнастикаси бўйича навбатдаги жаҳон чемпионати баҳслари ниҳоясига етди.

Ушбу нуфузли турнирда 54 мамлакатдан таширф бюорган уч юздан ортиқ спорт гимнастикаси усталари ўзаро куч синашдилар.

Гимнастикамиз фаҳрига айланган моҳир спортчимиз Оксана Чусовитина ўз устида доимий ишлаш, галаба сари интилишнинг қанчалик самара беришини ўз ажойиб чиқишлари билан яна бир қарра исботлади. Оксана хитойлик Чен Фейдан бир оз ортда қолгани ҳолда кумуш нишон билан тақдирланди.

Эрақлар ўртасида эса япониялик гимнастика усталарига тенг келадиганлар топилмади.

(Ўз мухбиримиз)

**Мағбирлар**

**«САОДАТ» ГУЛШАНИ ИЧРА**

**Шу ёруғ заминнинг нурли чироғи,  
Шу кўтулғ оламнинг қайнар булоғи,  
Одамзод наслининг кўзи, қароғи,  
Меҳру мурувватдан сўзлайди аёл**

Ҳа, аёлларга ҳар қанча таърифу тавсиф ҳам оз. Зеро, улар она табиатнинг бебаҳо бойлиги, жисму жонидир. Аёллар фаолияти, меҳнати, бахту қамоли, дарду хасрати, ҳақида кўп ва хўп ёзганмиз. Бу борада айниқса «Саодат» хотин-қизлар журналининг ўзига хос ўрни бор. Мазкур журнал 1925 йил «Янги йўл» номи билан илк бор нашр қилинган бўлса ўшандан буюн ўзбек аёлларига сирдош, суюнч, маслаҳатчи, ҳамкор бўлиб фаолият юритиб келмоқда.

Шаҳримиздаги «Пойтахт» меҳмонхонасида «Саодат» гулшани ичра» деб номланган адабий-бадий кеча ҳам Миро-

бод туман маънавият ва маърифат маркази томонидан ташкил қилинган «Саодат» журналининг 80 йиллигига бағишланди.

«Саодат» хотин-қизлар журнали республикамизда ўз мавқеига, мухлисларига, ишонч ва эътиборга эга бўлган нашрдир,—деди жумладан тадбирда сўзга чиққан Тошкент шаҳар ҳокими ўринбосари, хотин-қизлар кўмитаси расиси Фарида Абдурахимова.—Мазкур журналда Тожихон Шодиева, Хосият Тиллахонова, Холида Ахророва, Ойдин Собирова, Ҳассоси шоира Зулфияхоним каби ўз касбининг заҳматкашлари фаолият кўрсатганлар. Ушбу журналининг муваффақияти, обрўси унинг халқчиллигидадир. Аёллар ва қизларнинг сирдоши,

дилдоши, маслаҳатчиси ва устози ҳисобланмиш «Саодат»нинг 80 йиллиги билан унинг барча ходимларини, мухлисларини чин кўнгилдан табриқлайман. Истардимки мазкур журналининг обрўси янада ошиб, саҳифалари ранг-баранг рункларга тўлиб-тошаверсин.

«Саодат» журналининг бош муҳаррири, Ўзбекистон халқ шоираси Ойдин Хожиева, Ўзбекистонда хизмат кўрсатган маданият ходими Қутлибека Раҳимбоева ва журналининг бир қанча жонқуяр ходимлари ўз сўзларида журналда ёритилаётган мазмуларнинг хилма-хиллиги, аёлларнинг юртимиздаги сиёсий жараёнлардаги ўрни, улар учун зарур бўлган маслаҳатлар, айниқса «Долзарб мавзу», «Аёл ва сиёсат» каби руқилар бўйича берилган материаллар ҳамда журнал тарихи ҳақида батафсил маълумотлар бердилар.

Адабий-бадий кечада таҳририят ходимлари мухлисларнинг барча саволларига тўлиқ жавоб қайтардилар.

Гулчеҳра ДУРДИЕВА

**Табият ажойиботлари**

**КЎПАЙИШНИНГ  
АНТИҚА  
ҚОИДАЛАРИ**

**Америка ва Франция олимлари шу нарсани аниқладиларки денгиз типратикани тухуми оталанмаган тақдирда ҳам насл бериши мумкин экан.**

Француз олими Делажинг тажрибалари жуда қизиқарли бўлди... Олим денгиз типратикани тухумини олиб навадил спирт эритмаси, шаклар ва танин аралашмасида бир соатча давомида ушлаб турганидан сўнг тухумни бир неча бор ювганидан кейин денгиз суви солинган идиш ичига туширди. Ана шу ерда қолтилмаган ҳодиса юз берди. Оталанмаган тухум парчалана бошлади ва типратикан личинкалари пайдо бўлди. Аммо кўпчилик личинкалар ҳалок бўлса-да қолганлари ривожланиб ҳақиқий денгиз типратиканига айланди.

Бундай қизиқ тажриба кишини табиат мўъжизалари ҳақида жиддий мулоҳаза қилишга ундайди, яъни тадқиқотчи бир қарашда имконияти йўқ вазифани бажарди. Типратикан тухуми мўйловчалар таъсири остида эмас, балки маълум таркибга эга бўлган эритма таъсири остида оталанди ва насл берди.

Денгиз типратикани умуртқалиларга қиради, қапалак, ари, асалари, шира қабиларининг ҳам оталанмасдан кўпайишини биламиз. Умуртқалиларга келганда аҳвол бошқача кечади. Бу борада француз олими Баталона тажрибаси ўта қизиқ, яъни у оталанмаган умуртқали ҳайвон тухумидан насл олишга эришади. Баталона оталанмаган бақа тухумига ингичка шиша нина санчади, нина тухумга том маънода «сеҳрли» таъсир этади, тухумга нина эмас балки мўйловчалар киргандек у парчалана бошлади. Итбалиқларнинг кўпчилиги ҳалок бўлса-да, бир нечтаси вояга етади.

Яқинда матбуотда хабар қилинишича, америкалик олим Олсен оталанмаган курка тухумидан тирик курка болаларини олишга муваффақ бўлган.

Совуқ кунлар ва намгарчилик билан бирга кириб келган куз фасли барча ҳашаротлар, шу жумладан ширалар учун ҳам оғир дамлар ҳисобланади. Кузга келиб қанотли ширалар урчи бошлади. Мазкур жараён тўғрисида улар тухум қўяди. Сўнгра эркак ҳам урғочиси ҳам ҳалок бўлади. Тухум бўлса қишлайди.

Баҳор келган, илиқ кунлар бошланади. Кўёш нуридан баҳра олган тухумлар ҳам жонлана бошлади ва ниҳоят тухумдан қанотсиз шира болалари чиқа бошлади. Жажжи шираларнинг барчаси урғочи бўлиб, орасида биронта ҳам эркак бўлмайди. Бу урғочи шираларга эркакнинг кераги ҳам йўқ, чунки улар оталанмасдан насл қолдиради, улар тухум қўймайди балки ўзларига ўхшаш қанотсиз урғочи бола тўғади. Ана шундай йўл билан фақат ширалар баҳор ва ёз фаслида кўпаядилар. Совуқ кунлар бошлангунча ширалар минглаб насл қолдиради, мевали дарахларнинг япроқ ва новдаларини, атиргунлиг япроқларини гулгунчаларини қолаб олади. Улар бутун бир урғочилар оламини ташкил этади.

Ёз мавсуми ўтиб, яна куз фасли яқинлашади, шираларнинг ҳам ҳулқ-атворларида ўзгаришлар юз беради. Ширалар яна кўпая бошлади. Энди уларнинг пушлари ҳам эркак, ҳам урғочи ва қанотли бўлиб тўғилади. Улар яна урчилади, тухум қўяди ва тухуми қишлайди. Ана шу тарзда ҳаёти қайта такрорланаверади.

**ЯХЁ ДАВЛАТОВ,**  
биология фанлари доктори

Пойтахтимиздаги Марказий ҳарбий спорт клубида Фавкуллда вазиятлар вазирилик тизимидаги бошқарма ва худудий тузилмалар ўртасида ўтказилган биринчи республика спартакиадаси якунланди.

**СПАРТАКИДА  
ЯКУНЛАНДИ**

— Ушбу беллашуварлар шахсий таркибининг жисмоний тайёргарлиги ва касб маҳоратини ошириш мақсадида ташкил этилди, — дейди вазирликнинг кадрлар ва шахсий таркиб билан ишлаш бошқармаси бошлиғи, подполковник Анвар Нурхўжаев. — Мусобақада спортнинг шахмат-шашка, енгил атлетика, мини-футбол, стол тенниси ва тўппончадан отиш турлари бўйи-

ча голиблар аниқланди. Мини-футбол бўйича баҳслар Тезкор ҳаракат қилиш республика кўп тармоқли маркази жамоасининг галабаси билан якунланди. Енгил атлетика бўйича мусобақада Наманган вилояти Фавкуллда вазиятлар бошқармаси ходими, кутқарувчи О.Мамадалиев голиб чиқди. Шашка баҳсларида сирдарёлик Ш.Саркаев, теннисда эса Тошкент

шаҳар Фавкуллда вазиятлар бошқармаси вакили С.Богдасаровнинг омади келди.

Уч кун давом этган спартакида Наманган вилояти кутқарувчи спортчиларининг умумжамоа ҳисобидаги галабаси билан якунланди. Иккинчи ўрин пойтхликларга насиб этган бўлса, Қашқадарё вилояти вакиллари учинчи ўринни кўлга киритди.

**Х.САЛИМОВ,**  
ЎЗА мухбири

**Мунажжим башорати**

**МУҲИМ ИШЛАРГА ҚЎЛ УРИНГ**

**1 ДЕКАБРЬ, ПАЙШАНБА**

Бугун эски ойнинг 30-куни тўғаб, янги ойнинг биринчи куни бошланади (янги ой кеч соат 17.00 дан кириб келади). Шунинг учун мунажжимлар бугун эски ишларни ниҳоясига етказиб, дастлабки хулосаларни чиқариши маслаҳат беришади.

Янги ойнинг дастлабки дақиқалари, соатларида янги режаларни ишлаш ҳақида диққат-эътиборни жамлаш ҳамда ўзингиз кутадиган оқибат-натикалар ҳақида хаёл суриш мумкин. Агар орузларингиз аниқ шаклга кириб, сўз билан ифодалайдиган даражада ойдинлашса, улар тез орада тўла рўйбга чиқишига ишонаверинг. Ер, Ой, Қўёшнинг ўзаро жойлашиш ҳолатига эмас, сирлар сайёраси Нептун ва Плутон ўртасидаги «сеҳрли» ришталар ҳам шундан далолат беради.

Кўёш тақвими бўйича 16-кун рамзи ҳар қандай ҳолатда ўз сўзингиз ағаси бўлиб, ҳеч қачон ёлғон ваъда бермасликка даъват этади. Янги ой кирган куни ўз «сеҳрли» хаёлларингиз доирасига бирон кимсани зўрма-зўраки тортиш ман этилади.

Бугунги кун соч олдириш, муҳаббат, оила, жамоат ишлари учун омадли келади. Ўз долзарблигини тез йўқотадиган ёки қисқа муддатли ишлар учун ҳам бу галги пайшанба самарали бўлиши кутилади. Бирон нарсанинг синиши ёхуд ашиқнинг очилмай қолиши нохушлик аломатларидир. Бугун харид қилган нарсаси-буюмларингиз йиртилса, синса ёки йўқолса — бир ой мубайнида шу нарсаларни яна сотиб олишдан ўзингизни тийинг.

Товушлар аниқ эшитилмайдиган тушларингиз башоратли ҳисобланади.

Тушларингиз мазмунини эслаб қолишга ҳаракат қилинг.

Спиртлиги ичмилликларни бугун озгингизга олмаганингиз маъқул. Зеро, бунинг оқибати гоёат аянчли бўлиши мумкин.

Кийимлардан сариқ ва кўк-яшил аралаш рангларини танланг. Бошдан-оёқ янги либослар кийиш омадингиз юришишига ёрдам беради. Қора ва қизил ранглардан нарироқ бўлинг.

**ПАЙШАНБАДА:**

— муҳим янги ишларни бошлаш;  
— олижаноблигингизни намойён этиб, яқинларингизга ёрдам қўлини чўзиш;

— молиявий ва ҳуқуқий муаммоларингизни ҳал этиш, турли ҳужжатлар, маълумотномаларни расмийлаштириш;

— сиёсат ва жамоат ишлари билан шугулланиш;

— оилавий муаммоларга эътибор бериш, уй қўлхоналарини тартибга келтириш, ота-оналар, кекса қариндошлар билан дийдорлашиш;  
— бўш вақтларингизда мазза қилиб чангида сирланиш, спорт клубларига бориб, тренажёрларда шугулланиш тавсия этилади.

Қанчалик манфаатли туюлмасин, бошқалар таъсирига берилишдан ўзингизни асранг.



Муассис:  
Тошкент шаҳар  
ҳокимлиги

**Бош муҳаррир  
Акмал АҚРОМОВ**

Манзилимиз: 700000,  
Тошкент шаҳри,  
Матбуотчилар кўчаси, 32

**ТЕЛЕФОНЛАР:**

хатлар — 133-29-70;  
эълонлар:  
133-28-95, 136-57-65;  
факс: (3712) 133-21-56.

Ҳажин — 2 босма табоқ офсет  
услухи босилди.  
2495 нусхада босилди. Қўғоз бېғими А-3

Газета Тошкент шаҳар  
Матбуот ва ахборот  
бошқармасида 02-1-рақам  
билан рўйхатта олинган.

Душанба, сешанба, чоршанба,  
пайшанба ва жума кўнлари чиқади.  
Навр кўрсаткичи — 563

Нашрни етказиб бериш масалалари бўйича турар жойлардаги почта бўлимларига ёки «Тошкент почтама»га — 133-74-05 телефонига муражаат қилиниши мумкин.

Газета «Тошкент оқшоми»нинг компьютер марказида терилди ва саҳифаланди.

«Шарқ» нашриёт-нашриот ақдидорлик компанияси бошқармаси.  
Қорхона манзили: «Буюк Турон» кўчаси, 41-уй.